2.500.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 236 (13.192).
8 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

◆ 6 октябрь куни Ўзбекистон бўйича 72.158 тонна пахта тайёрланди. Яна 1.100.000 тоннадан кўпроқ пахта берсак, республикамиз маррага етади.

◆ Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, ҳамма областларда кунига 2–3 процент пахта тайёрланишини таъминлангиз.

◆ Илиқ-иссиқ кунларда даладаги ҳосилни батамом йиғиб-териб олиш учун ғайрат камарини маҳкамроқ боғлангиз!

Расмий хабарлар

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар 6 октябрда Берлинга Вальтер Ульбрихт, Вилли Штоф, Иоганнес Дикман ва Эрих Корренс ўртоқлар номига табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади: Германия Демократик Республикасининг 16 йиллиги кунида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан ва бутун совет халқидан сизга ва Германия Демократик Республикасининг бутун аҳолисига самимий қутловлар йўллаймиз.

Социализм ва коммунизм қуриш учун, социалистик ҳамдўстликни жипслаштириш ва халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва халқларнинг миллий озодлиги учун курашда КПСС билан Германия Бирлашган Социалистик партияси ўртасида, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасида бузилмас бирлик қарор топганлиги бизни қувонтиради. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг қардошларча иттифоқи ва дўстлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир.

Совет раҳбарлари Германия Демократик Республикасининг ишчиларига, деҳқонларига, меҳнаткаш интеллигенциясига социализм қуришда, демократик, тинчликсеварлик асосларида Германияни қайта бирлаштириш учун курашда янгидан-янги катта муваффақиятлар тиладилар.

* * *

Германия Демократик Республикаси тузилганлигининг 16 йиллиги муносабати билан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Отто Винцерга табрик телеграммаси юборди. (ТАСС).

МОДИБО КЕЙТА МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Судан Иттифоқи партиясининг Бош секретари, Мали Республикасининг Президенти ва ҳукумат Раиси Ўртоқ Модибо Кейта 7 октябрда Москвадан Қримга жўнаб кетди.

Ҳар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, Б. Н. Пономарев ва бошқа совет партия ҳамда давлат арбоблари, шунингдек пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари узатиб қолдилар. (ТАСС).

САНОАТГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноат ишлаб чиқаришини, шу жумладан, тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Пахта — қимматли техника экини. Мамлакатга тобора кўпроқ ва юқори сифатли пахта етказиб бериш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир. Чунки хом ашё қанча сифатли бўлса, мамлакат саноати эҳтиёжи шунча яхшироқ қондирилади, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги ошади.

Колхозимиз 922 гектар пахта майдонига эга. Ҳар гектаридан 29,5 центнердан, жами 2710 тонна пахта топширишимиз керак. Мажбуриятимиз эса — 35 центнердан. Биз сентябрь ойида 60 процент пахта тайёрлаб, давлатга 1626 тонна ҳосилнинг ҳаммасини биринчи сортга сотдик. Бу — ҳар тоннаси 418 сўм ҳисобидан 680.504 сўм даромад демакдир. Кунига 3-3,5 процентдан пахта топшириб, йиллик планни 15 октябрга биринчи сорт ҳисобига бажарамиз.

Юқори сифатли пахтанинг саноат учун аҳамияти ғоят катта эканлигини биз яхши тушунамиз. Бунинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, сортлар юқори бўлса, колхозчилар кўпроқ даромад оладилар. СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришдан хўжаликлар манфаатдорлигини ошириш тўғрисидаги қарорига кўра колхозимиз 200 минг сўмдан кўпроқ фойда кўради.

Давлатга юқори сортли пахта сотишнинг даромадга катта таъсир кўрсатишини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин: пландаги 2710 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга сотилса, бундан бир миллион 130 минг 780 сўм даромад қилинади, агар ўтган йили бўлганидек, қариб 40 процент ҳосил учинчи ва тўртинчи сортлар билан топширилса. колхоз 200 минг сўмга яқин кам даромад олади. Биринчи сорт ҳисобига йиллик планни бажарган, мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Саттор Каримов, Ўринбой Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадалар нуқул юқори сорт пахта топширмоқдалар.

Механик-ҳайдовчиларимиз «зангори кемаялари моҳирлик билан бошқариб, юқори сифатли пахта тераётирлар. Машинада теримган пахта фақат биринчи сортга сотилмоқда. Механик-ҳайдовчилардан Бегжон Бойжонов, Кўпал Самандаров, Зулайхо Жуманиёзова ва Зайнаб Ҳайитова ўртоқлар ҳозирга қадар «пўлат этак»лардан 40-50 тоннадан биринчи сорт пахта тўқдилар.

Бизда терим сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатилган, хом пахта териш ва сортни бузишга асло йўл қўйилмайди. Ойим Бектурдиева, Онажон Матрасулова, Сўна Мадаминова, Раҳима Сотимова каби кўпрашда агитаторлар, радио, деворий газеталар бизга самарали ёрдам беряпти. Партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа ва постларнинг аъзолари бу соҳада катта фаолият кўрсатишмоқда.

Пахта тайёрлашнинг бундан кейинги даврида сифат учун кураш янада кучайтирилиши керак. Пахта тозалаш саноати ходимлари, тайёрлаш пункти товаровед ва лаборантлари пахтакорлар орасида тез-тез бўлиб, юқори сортларда пахта тайёрлашнинг аҳамиятини, саноатнинг талаби ва нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини дала меҳнаткашларига тушунтирсалар, мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Ҳусаин НИЁЗМАТОВ,
Янгиариқ районидаги «Победа» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.

ЗАФАР сатрлари

Каттақўрғон районининг меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Бу яхши натижа беряпти. Район хўжаликлари давлатга жун ва узум сотиш йиллик планларини ошириб бажардилар. Пландаги 215 ўрнига 217 тонна жун ва 230 ўрнига 233 тонна узум тайёрланди.

●

Бўка районидаги 2-«Пискент» совхозининг пахтакорлари йиллик планни 25 иш кунида муваффақиятли адо этдилар. Давлатга 5110 тонна «оқ олтин» топширилди. Тайёрланган пахтанинг 60 проценти ёки 3000 тоннаси машиналарда терилди. Машина терими топшириғи 137 процент бажарилди.

Йиллик планни энг қисқа муддатда бажарган Жўраев ва Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 28 центнердан «оқ олтин» териб олинди.

Совхоз коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 1200 тонна пахта сотиш ва ҳосилдорликни гектар бошига камида 25 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

●

Мирзачўлнинг янгидан ўзлаштирилган ерларида бу йил ташкил этилган «Фарғона» совхозининг пахтакорлари катта майдонларда баракали ҳосил етиштирдилар. Пахта йиғим-терими суръати тобора тезлаштирилянти. Пешқадам бригадалар бирин-кетин ғалаба рапорти беришяпти. Жониқул Пирматов бошлиқ бригада пахтакорлари бу йил биринчи марта чигит экилган 180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 14 центнердан «оқ олтин» териб олиб, йиллик планни ошириб адо этдилар. Анвар Тўраев бошлиқ бригада эса гектаридан 12 центнердан ҳосил олди ва давлатга пахта сотиш йиллик планини ошириб адо этди.

ДАЛАЛАРГА шиғоҳ тикиб турган бу қиз Наманган районидаги «Ленинизм» колхозининг чевар теримчиси Василахон Шамсиддинова бўлади. Пешқадам теримчи ҳар куни хирмонга 180-200 килограммдан «оқ олтин» тўкишга муваффақ бўлаётир. Мавсумда 12 тонна «оқ олтин» теришга сўз берган Василахон дугоналари ўртасида ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётир. Терим нормасини муттасил равишда бир неча баравар ошириб бажараётган чевар қиз маррага тез яқинлашяпти.

М. Иброҳимов фотоси.

7 ОКТЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан)

Тошкент	2,27	86,33	2,26	91,83
Қашқадарё	1,24	80,35	0,49	35,22
Бухоро	1,13	74,70	0,50	24,90
Фарғона	1,65	73,47	2,37	63,32
Сурхондарё	2,15	71,62	2,92	71,12
Самарқанд	2,29	67,80	2,65	46,28
Андижон	1,84	64,93	2,48	47,49
Хоразм	2,34	61,56	2,04	33,82
Қорақалпоғистон АССР	2,11	56,10	2,03	35,25
Сирдарё	2,84	54,70	3,91	69,02
Ўзбекистон бўйича:	2,00	68,27	2,49	56,66

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ фахрий КИТОБ САҲИФАСИ

Машинада ким қанча пахта терди?

М. Ашуров — Самарқанд область, Нарпай районидаги Охунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 135 тонна.

Р. Эргашев — Самарқанд область, Нарпай районидаги Охунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 125 тонна.

А. Еқубов — Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Энгельс номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 120 тонна.

Ж. Ҳайдаров — Тошкент область, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 94 тонна.

Р. Шоймардонов — Сурхондарё область, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 93 тонна.

Ж. Умаров — Тошкент область, Урта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 87 тонна.

С. Романов — Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 78 тонна.

Й. Бобоев — Хоразм область, Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 72 тонна.

Ч. Отаева — Бухоро область, Бухоро районидаги Карл Маркс номли колхоз механик-ҳайдовчиси. 70 тонна.

Х. Бозоров — Қашқадарё область, Чироқчи районидаги «Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 70 тонна.

Т. Бозоров — Бухоро область, Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг механик-ҳайдовчиси. 67 тонна.

МУНОСИБ СОВҒА

Чимкент область пахтакорларининг ғалабаси

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини баланд руҳ билан кутиб олган Чимкент областининг меҳнатсевар пахтакорлари зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиб. 35 кунда — 5 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан анча илгари 100,2 процент қилиб бажардилар. Ватанга 70 минг тонна «оқ олтин» сотилди, шундан 90 проценти нуқул биринчи сортлар билан қабул қилинди.

Пахта йиғим-теримини бу қадар қисқа муддатда ўтказиш ва муваффақиятга эришишнинг асосий гарови машиналар бўлди. Ҳосилнинг тўртдан бир қисми — 15 минг тонна «оқ олтин» машиналарда терилди.

Сариғоч, Сайрам районлари давлатга пахта сотиш йиллик планларини 27-30 иш кунида муваффақиятли бажардилар ва эндиликда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

Сариғоч райони пахтакорларининг меҳнат зафарларини алоҳида таъкидламоқ лозим. Район областда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳозиргача район меҳнаткашлари йиллик пахта тайёрлаш планини 122 процентга етказдилар. Улар топширган пахтанинг 110 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Давлатга пахта сотиш қизғин давом этмоқда.

Чимкент области азаматлари пландан ташқари камида ўн минг тонна «оқ олтин» топшириш учун курашмоқдалар. Область меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигидагина эмас, саноатда ҳам юксак кўрсаткичлар учун курашмоқдалар. Бу — уларнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездига муносиб совғаси бўлади.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ

ЧИМКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ПЛАННИ БАЖАРИШИГА БАҒИШЛАБ

Қардошлик меҳрига тўлиқ
дилимиз,
Қардошлик меҳри-ла улуғ
элимиз.
Қардошлик меҳридан — олтин
тоғимиз,
Ватан хизматида жавоҳирлари.
Диёр дастурхонин безар
боғимиз,
Ширин-шакар нони дашту
қирлари.
Қалбларидай туташган
яйловларимиз,
Дўстлик мадҳин куйлаб чўпон
най чалар.
Дўстлик уйи — шийпон,
ўтовларимиз,
Завққа тўлиб ўйнар бахмал
майсалар,
Дўстлик азмин сўйлар зар
тоғларимиз,
Оқ ўтовдай яшнаб боққан ҳар
хирмон.
Зафар нучса ҳамкор
ўртоқларимиз
Севинчига шерик, хурсандмиз
чунон.
Катта хирмон уйди Чимкент
эрлари,
Аҳдини бажарди қардош
пахтакор,
Олтин кони бўлди сахий
ерлари,
Пахтакор мардларни табриклар
диёр.
Биз ҳам табриклаймиз ўзбек
элидан,
Дўстлик рамзи бўлур бизнинг
ҳам хирмон.
Ватан хурсанд бўлар эл
ҳосилидан,
Қардошлар олтини унга
армуғон.

НАЗАРМАТ.

ХОРАЗМДАН ХУШХАБАР

УРГАНЧ, (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**) Хоразм область чорвадорлари 6 октябрда жун тайёрлаш йиллик планини республикада биринчилар қаторида бажардилар. Давлатга 510 тонна ўрнига 512,6 тонна жун сотилди.

Область сабзавотчилари ҳам ғалаба рапорти беришди. Эл дастурхонига 7 минг тоннадан кўпроқ сабзавот етказиб берилиб, йиллик план муддатидан илгари ортиғи билан уддаланди.

СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАНИ?

Хайробод ва Денов пахта тозалаш заводлари янги пахта ҳосилини ўтган йилдагидан қариб ярим ой олдин қабул қила бошладилар. Топширилаётган «оқ олтин» асосан юқори сортларга қабул қилинмоқда. Чунки кўпчилик колхоз ва совхозлар сифатли пахта жўнатяптилар.

Бироқ, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари сифатни унутиб қўймоқдалар. Натижада пахтани хом ва ифлос теришга, сортларни аралаштириб юбориш ҳоллари содир бўлмоқда. Бунга мисол қилиб «Ҳазорбоғ» совхозини кўрсатиш мумкин. Бу ерда кейинги кунларда кунлик суръат 3 процентдан ошди. Аммо, совхоз раҳбарлари (директори Э. Эргашев, партия ташкилотининг секретари Д. Киргизбоев ўртоқлар) сон кетидан қувиб, сифатни эсдан чиқариб қўйдилар. Бунинг устига, пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйилянти.

Хўш, бунга сабаб нима? Аввало шуни айтиш керакки, совхоз раҳбарлари турли баҳоналарни рўкач қилиб, машина теримини атайин кечиктириб келдилар. Дўппи тор келиб қолгач эса ҳамма машиналарни бирдан ишга туширишга мажбур бўлишди. Шошилинч равишда пала-партиш «тайёрланган» карталарга «зангори кема»ларнинг ҳаммаси бир кунда киритилди. Машиналар кайтадиган полосалар йўқлиги учун карталар четидаги ғўзалар бульдозер билан суриб ташланди. Ана шу ғўза тупларидаги ҳосил тупроққа қоришиб кетди.

Машинада терилган пахтани тўғридан-тўғри прицепларга ағдариш ва тайёрлов пунктига жўнатиш ўрнига, тупроқ устига тўкиларди. Пахта тўкиладиган ерга бризент ёки шолча солиш ҳам унутиб қўйилди. Чанг-тўзон, хас-чўпга аралашган пахта тележкаларга ортилиб, тайёрлов пунктларига жўнатиляпти. Бу ҳол пахтанинг намлиги, ифослиги ошиб кетишига, ортиқча транспорт ҳаражатларининг кўпайишига, пахтанинг кўп қисми пунктдан қайтариб юборилишига сабаб бўлмоқда.

Совхознинг Муқим Рўзиев бошлиқ 3-бўлимидаги Муҳаммади Олтибоев бошлиқ бригададан пунктга жўнатилаётган пахтанинг намлиги 7-8 процент ўрнига 20-22 процентни, ифослиги эса 0,5 процент ўрнига 33-34 процентни ташкил қиляпти. Худди шундай аччнарли аҳвол Дўстқобил Мирзақулов бошлиқ 1-бўлимнинг Ўта Раимов бошлиқ бригадасида ҳам юз беряпти.

Исмат Рўзиев, Рўзи Давлатов, Ҳайдар Сатторов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда бўлган кишининг юраги ачишиб кетади. Бу бригадаларда дефолиация сифатсиз ўтказилган. Ғўза барги яхши тўкилмаган пайкалларга машина киритилган.

Совхозда ҳар куни 250-260 тонна пахта хирмонда қолиб кетяпти. Биргина Хайробод пунктидан совхоз юборган сифатсиз пахта кейинги 20 кун ичида 17 марта қайтарилди. Бу қариб 150 тоннани ташкил этади.

«8 Март» колхози Денов районидаги ягона уруғлик пахта етказиб берувчи хўжалик ҳисобланади. У давлатга топширган ҳар бир тонна сифатли уруғлик пахта учун 100 сўм қўшимча ҳақ олади. Шунга қарамай, колхозда сифат учун курашилмаяпти. Сафаров, Жўраевлар бошлиқ бригадаларда хом пахта териш одат тусини олган. Оқибатда намлик 20-25 процентгача етяпти. Бундан колхоз ҳам, давлат ҳам жиддий зарар кўряпти. Кўплаб пахта қайтариб юборилянти.

Шу райондаги Жданов номли колхозда ҳар 100 килограмм пахтадан 23 килограмми хом терилганлиги аниқланди. Аммо, бу ярамас ҳолнинг олдини олиш учун ҳеч қандай амалий чора кўрилмаяпти.

Маълумки, Шеробод тоғли район бўлганлиги туфайли бу ерда эрталаб шудринг тушмайди. Хўш, бўлмаса нега пахта ортиқча намлик билан топширилянти? Бунинг сабаби шундаки, район хўжаликларида кўплаб хом пахта терилмоқда. Бундай факт Киров номли ва «Партия XXII съезди» колхозларида айниқса кўп учрамоқда.

Сариосиё районидаги «Ленинизм» колхозида пахтани сортларга ажратиб теришга мутлақо эътибор берилмаяпти.

Хуллас, Сурхондарё областидаги бир қатор колхоз ва совхозларда сифат учун кураш унутиб қўйилмоқда. Бу соҳада қаттиқ тартиб ўрнатиш, хом ва ифлос пахта теришга, нобудгарчиликка йўл қўяётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиш зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Партия турмуши

ЎТ ЮРАК

У қишлоқ йўлидан оҳиста қадам ташлаб боряпти. Тўрт томон пахтазор. «Оқ олтин» денгизининг поёни йўққа ўхшайди. Кўчанинг муюлишида бир гуруҳ теримчи қиз-жувонлар кўринди. Улар чақ-чақлашиб овқатланганч шийпон сари боришяпти.

— Ҳорманглар, азаматлар!— деди жилмайиб Барот Худойбердиев.

Шийпонга етай деганида эсига тушди: «Тушда комсомоллар билан учрашиб, оқшом партком йиғилишига улгуришим керак».

Бригадада иш кўп. Етмиш кишининг меҳнатини ҳисобга олиш, текшириш ҳазил гапми. У — бригадада табелчи. Колхозчи меҳнатининг аниқ ҳисобкитобини олиб бориш, бригадада меҳнатни кўпроқ тежаб, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун курашиши керак. КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейин колхозда табелчиларни экономист деб атайдиган бўлиб қолишди. У бўлса оддий табелчи эмас. Бригада коммунистлари уни иккинчи марта бошлангич партия ташкилотининг секретари қилиб сайлашди. Бу — катта ишонч.

Ҳозир комсомол ташкилоти секретарининг нутқини эшитаркан, қўлидаги қаламни ҳадеб айлантирар, пешанасини тиришитириб, ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга, ҳар бир сўзни диққат билан тинглашга уринарди. Лекин ўзини босай деб қилган ҳаракатлари беҳуда кетаверди. Негаки докладнинг тузилиши ёқмасди.

Барот Худойбердиев ўтирган жойида одамларни ўйларди. Одамлар билан ишлаш, уларнинг юрагига қўл солиш, одамларнинг ишончига сазовор бўлиш осонми? Одамлар билан ишлаш деган умумий гап бор. Лекин қандай ишлаш керак, кимнинг кўнглига қандай қилиб йўл топиш мумкин? Бу ҳақда бирор йўл-йўриқ бўлиши мумкинми? Тирик одамлар билан жонли иш олиб бориш керак. Дунёда қанча одам бўлса, шунча феъл-атвор, шунча фазилат бор. Биров яхши гапни севади, биров билан бошқача гаплашиш керак бўлади. Мана шундай йиғилиш, қуруқ мажлис, лекцияларнинг нафи тегадими? Нега комсомол ташкилотининг секретари одамлар билан юракдан гаплашмаётир, нега унинг сўзларида ҳарорат, аланга етишмайди. Ахир, ўттизинчи йилларнинг комсомоллари ўт юрак бўлишган-ку! Ҳар бир коммунист, ҳар бир комсомолнинг юраги ҳамиша ёниб турсин. Ёнишгина эмас, одамлар дилига нур сочиб турсин.

Ҳамма жимгина тарқалди. Худойбердиев комсомол ташкилоти секретарининг ҳисоби бунчалик жозибасиз, зерикарли чиққанига ўзини, бошқа коммунистларни ҳам айбдор деб биларди.

Ишларни тарбиялаш... Бу айтишга осон. Ҳозирги ишлар билан гаплашиш учун билимдон бўлиш керак. Уларнинг ўй-орзуларига, интилишларига, қизиқишларига шерик бўлиш керак. Худойбердиев буни яхши тушунади. Бригада аъзоларининг ярмидан кўпи — кечаги ўқувчилар, — йигит-қизлардир. Улар виждонан меҳнат қиладилар. Уларда куч-қувват бор, билим бор. Лекин тажриба пича етишмайди. Ана шу меҳнатсевар ёшлар ўртасида шундайлари ҳам борки...

Теримчи Парда Аҳмедов яна сифатсиз пахта терди.

— Уят, Пардабой, — деб гап бошлади коммунист Иброҳим Мамараҳимов. — Ахир, еб турган нонини ким хор-хасга белайди. Сен пахтакорлик номига доғ туширдинг. Тунов куни гуноҳингни кечирган эдик. Энди тағин кечириб бўладими? Хўш, сенга қандай чора кўриш керак, айт-чи ўзинг, йигит!

Лекин бу сўзлар ҳам йигитга кор қилмади. У: «Тобим йўқроқ» — деб танқидга чап бермоқчи, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди.

— Тобим йўқ, дедингми? — даст ўрнидан туриб кетди Мамараҳимов. — Кеча қўшниларнинг тўйида кайф-сафо қилиб юрган ким эди? Сен эмасмидинг?!

Бригада аъзолари, бригада бошлиғи, Пардабойни кўп огоҳлантиришди. Лекин натижа чиқмади. Ниҳоят партия ташкилотининг секретари, бригадир, коммунист Ўскин Аҳмедов учовлари маслаҳатлашишди. Пардабойни бўлак ишга — пахта ташишга ўтказишадиган бўлишди.

— Ишларим жойида, Барот ака, ғамхўрлигингиз учун раҳмат, — деди Аҳмедов орадан уч-тўрт кун ўтгач.

Лекин йигитнинг сохта-ясама кулгиси остида қандайдир ўкинч, афсусланиш борлиги Худойбердиевнинг ўткир нигоҳидан қочиб қутулмади. Кунлардан бирида оқшом пайти вақт топган Барот ака Пардабойларникига кириб келди. Йигит уйида йўқ экан.

— Парда қаерда? — деб сўради онасидан.

— Пахта тергани кетди.

— Ие, кундузи пахта ташиянти-ку.

— Қайдам, пахта тераман деб кетди-да, болам.

Кейин сир очилди. Парда Аҳмедов кундузи пахта ташиса ҳам кечқурун ойдинда, қоронғи кечалари чироқ шуъласида пахта тераркан. Унинг бундай ғайратидан секретарь ғоят қувонди. Худойбердиев эртасига Аҳмедовни учратиб:

— Теримни соғинганга ўхшайсан, ука, — деб сўради.

— Ҳа, жуда соғиндим, — деди синиқ оҳангда Пардабой.

— Яхши, бригадир билан сенинг тўғрингда гаплашиб кўрамиз, — деб ваъда берди секретарь.

Мана кўплар қатори Парда пахтазорда. У лўппи-лўппи пахтани тез, тоза териб этакка солянти. Йигит энди тамоман ўзгариб кетган. Ҳаммадан ҳам унинг меҳнатга муносабати ўзгарди. Нормасини ҳар доим ошириб бажаради. Тунов кун бригада аъзоларининг йиғилишида уни ҳам мақташди, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишди.

Инсонни тарбиялаш учун кураш... Бутун бригада партия ташкилотининг фаолияти ана шу олижаноб ишга қаратилган. Бригина секретарнинг қўлидан нима келарди. Шунинг учун у одамларни коммунистик руҳда тарбиялашда кўпчиликка, коммунистларга таянади. Коммунист-механизатор Раҳим Товошаров, кекса колхозчилардан Бозор Эгамбердиев, Ҳайдар Бозоров, Иброҳим Мамараҳимов ўртоқлар янги одамни тарбиялаш ҳаммадан зарур вазифа эканлигини яхши билишади. Шунинг учун улар ёшларни коммунистчасига ишлаш, меҳнат қилишга ўргатиш учун аввало ўзлари шахсан ибрат кўрсатишга интиладилар.

Колхозчи Нарзулла Турсуновни яхши ишлайди, деб бўлмасди. У янгиликка кўпинча шубҳа билан қарарди. Нарзулла қўнларнинг бирида ишга чиқмади. Ўша куни у диний урф-одатга берилиб, ҳайитлаб кетгани аниқланди.

Худойбердиев бу воқеани билгач, бригадир Ўскин Аҳмедов билан маслаҳатлашди:

— Нарзулланинг қилмишини мажлисда муҳокама этмасак бўлмайди. Ёш йигитга қаердан юқди бу ярамас касаллик. Қани, унинг ўзини сўзлатиб кўрайлик, нима деркин.

Шундай ҳам қилишди. Мажлис шов-шув билан ўтди. Бирга ёнма-ён меҳнат қилаётган ўртоқлари Нарзулланинг камчиликларини юзига шартта айтишди. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун мусобақалашаётган бу коллективда шундай одам борлигига хайронмиз дейишди.

Кўпчиликнинг гапи Нарзуллага қаттиқ таъсир қилди. У: «Янгича яшай бошлайман. Камчилигимни тушундим», деди юрагидан.

Бригада партия ташкилоти партиясизлар орасида ҳам катта ҳурмат қозонган. Пахтакорлар партия ташкилоти томонидан берилган топшириқларни ҳам бажарадилар, ижтимоий ҳаётда актив қатнашадилар. Улардан энг чиниққанлари, партия аъзоси бўлишга лойиқ бўлган кишилар коммунистлар сафига қабул қилинади.

Партия ташкилоти бригададаги 8 коммунистнинг ғоявий жиҳатдан чиниқиши учун ҳам курашмоқда. Уларнинг ҳаммаси сиёсий мактабда ўқиш учун тайёрланмоқдалар. Газета-журналларга ҳаммадан олдин обуна бўлишган. Сиёсий-бадиий адабиётларни кузатиб боришади. Партия ташкилотининг секретари улардан ҳар бирининг дилида ўқишга ҳавас, меҳр уйготди.

... Оқшом. Шийпонда коммунистлар тўпланишган. Улар ҳозир идеология ишларини кучайтириш, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини бажариш учун нима қилиш кераклиги, жонажон партиямизнинг навбатдаги XXIII съездини қандай муносиб совға билан кутиб олиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашмоқдалар. Йиғилиш коммунистларнинг сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати янада ўсганлигини кўрсатди.

Кўргазмали агитация ҳақида ҳам гап кетди. Шиорлар конкрет бўлиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партия ташкилотининг секретари Худойбердиев коммунистларнинг юрагида бор гаплар ифода қилинган қарор қабул қилинишига эришди.

... Биз кекса пахтакор Иброҳим Мамараҳимов билан пахтазор четидан боряпмиз.

— Ҳа, Барот одамларни жонидан севади, — деди у. — Энг яхшиси шуки, у қуруқ гапирмайди, иш одами меҳнати билан ҳурмат орттирган. Одамларга йўл кўрсатадиган одам аввало ўзи заҳматкаш бўлсин, болам.

— Сиз-чи?

— Мен энди кексайдим. Лекин юракда ҳаваси зўр. Ёшлардан кейин қолгим келмайди. Бригадамиз гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашяпти. Шундан ошириб, оширамизки, сира камигимайиз. Ваъдага вафо — XXIII съездга энг катта совғамиз бўлади.

Пахтазорда ҳаёт қайнайди. Яқин дўст, ўртоқ, принципиал коммунист Барот Худойбердиев мана шу коллективнинг ўт юрак раҳбари. Бундай азаматлар бор экан, ҳар ерда, ҳамиша зафар қозонилади!

Т. МУЛЛАЕВ,

Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхози.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Литва ССРнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва фан илғорларидан 14 кишига Литва ССР саноати, қишлоқ хўжалиги ва фанини ривожлантиришдаги ғоят катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди.

СССР Олий Совети Президиуми Литва ССР халқ хўжалигини, фани ва маданиятини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар учун 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Литва ССР саноати, транспорти, қурилишлари, қишлоқ хўжалиги, савдоси илғорларидан, фан ва маданият ходимларидан 2.486 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

89 киши Ленин ордени билан, 327 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 570 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 770 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан ва 730 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан мукофотланди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Латвия ССР саноат, қишлоқ хўжалиги ва фан ходимларидан 13 кишига Латвия ССР саноати, қишлоқ хўжалиги ва фанини ривожлантиришда кўрсатган жуда катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди.

СССР Олий Совети Президиуми Латвия ССР халқ хўжалигини, фани ва маданиятини ривожлантиришда эришилган зўр муваффақиятлар учун 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Латвия ССР саноати, қишлоқ хўжалиги, савдоси илғорларидан, фан ва маданият ходимларидан 2.237 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

77 киши Ленин ордени билан, 293 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 517 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан, 720 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан, 630 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан мукофотланди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Эстония ССР саноати ва қишлоқ хўжалигининг илғорларидан 11 кишига Эстония ССР саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ғоят катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди.

СССР Олий Совети Президиуми Эстония ССР халқ хўжалигини, фани ва маданиятини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар учун 1965 йил 1 октябрдаги Фармони билан Эстония ССР саноати, қишлоқ хўжалиги, савдоси илғорларидан, фан ва маданият ходимларидан 1.988 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

69 киши Ленин ордени билан, 259 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 460 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 628 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан ва 572 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан мукофотланди.

Фармонлар «СССР Олий Совети Ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Наманган трансформатор заводи коллективи маҳсулотнинг кўплаб янги турларини ишлаб чиқаришни муваффақиятли ўзлаштирмоқда. Бу суратда трансформатор цехининг малакали слесарь-йиғувчиси Мирмақсуд Мирмуҳамедовни кўриб турибсиз. У смена топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ОЛТИ МИНГ СЎМЛИК ОБУНА

Газета-журналлар — ҳаётимиз ойнаси, ҳар тонг, ҳар саҳар янгилик келтирувчи элчи. Шунинг учун ҳам Андижон область Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари 1966 йилда чиқадиган газета-журналларга обуна бўлишда фаолият кўрсатмоқдалар. Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдуназар Абдумаматов совет матбуотининг аҳамиятини тушунтириб, кўплаб обуна тўплашга алоҳида эътибор бераётир. Колхозчилар «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи», «Правда Востока», «Ўзбекистон маданияти» ва бошқа газета ҳамда журналларга 6 минг сўмлик обуна бўлдилар.

Н. Ортиғалиев.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

Самарқанд область, Булунгур районидаги «Москва» колхозининг 8- бригадасида газета-журналларга обуна бўлиш қизиб кетди. Пахтакорлар ўзлари қизиққан газета-журналларга ёзилмоқдалар. Айрим хонадонлар бир нечтадан газета, журнал оладилар. Колхоз қишлоғида янги йилдан бошлаб газета-журнал олмайдиган бирорта хонадон бўлмайди.

М. Ражабова.

КПСС МК СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНАДИ

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисидаги қарори совет халқи ҳаётида катта воқеа бўлди. Барча совет кишилари сингари заводимиз коллективи ҳам бу тарихий ҳужжатларни юксак меҳнат кўтаринкилиги руҳи билан кутиб олди. Эндиликда иқтисодий стимуллар системаси ёрдамида ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимнинг янги техникани жорий этишдан, меҳнат унумдорлигини оширишдан, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самараларини кўпайтиришдан бевосита манфаатдорлиги ортади. Натижада хўжаликни юргизиш ишини янги поғонага кўтариш, бутун коллективнинг ижодий ташаббускорлиги ва қобилиятини тўла рўёбга чиқариш имконияти туғилади.

Саноатни бошқаришда тармоқ принципига ўтиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодий воситаларни кучайтириш ҳақидаги кўрсатма биз учун айни муддао бўлди. Маълумки, халқ хўжалиги кенгашлари саноатни малакали бошқара олмай қолди. Буни биз кейинги йилларда ўз амалий ишимизда ҳамиша сезиб келдик. Биз мавжуд майдончалар ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида кейинги 3-4 йил давомида Халқ хўжалиги кенгашига муҳим масалалар билан мурожаат қилдик. Бироқ булардан бирортаси ҳам ҳал этилмай қоларди. Фактларга мурожаат этайлик: заводимиз коллективи мавжуд майдончалар шароитида джин батареялари ўрнатиш йўли билан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини йилига 10-12 минг тонна пахтани қайта ишлашга ошириш мумкинлигини 1962 йилиёқ Халқ хўжалиги кенгаши олдига қўйди. Шундай қилинганда ортиқча пахтани бошқа областларга ташиб кетиш учун ошиқча харажатлар ҳам бўлмас эди. Аммо Халқ хўжалиги кенгашидаги раҳбарлар бунга эътибор беришмади. Натижада заводимиз ўтган йили пахтани қайта ишлашни атиги 19 сентябрда тамомлади. Ҳатто корхонамизни капитал ремонт қилишга ҳам вақт қолмади. 20 сентябрдан эса янги пахта ҳосилини ишлай бошлашга мажбур бўлдик.

Областимизда янгичка толали пахтани қайта ишлайдиган яккаю ягона валикли завод бор. Лекин ана шу корхонани запас қисмлар билан таъминлаш иши ҳам тўрт йилдан бери ҳал этилмади. Бу корхона учун конденсерлар тайёрлаш ҳақида Озарбайжон ССРнинг Боку шаҳридаги заводига берилган заказларимиз ҳам бажарилмади. Областимизда тайёрланаётган запас қисмлар эса сифат жиҳатдан ҳам, сон жиҳатдан ҳам эҳтиёжни қоплямайди.

Шуни айтиш керакки, заводимизнинг асосий корпуси 1910 йилда қурилган. Ҳозирги вақтда эса бу асосий корпус яроксиз ҳолга келиб қолди. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш процессига янги техникани жорий этиш имконияти бўлмаяпти. Биз бу корпусни реконструкция қилиш ҳақида Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарлари олдига уч йилдан бери масала қўйиб келдик. Аммо бизнинг ҳамма талабларимиз амалга ошмай қолаверди.

Пахта тозалаш заводимиз ишчи ва хизматчилари учун, айниқса, ёш кадрлар учун ётоқхоналар йўқ. Бу эса муқим мутахассис кадрлар тайёрлашга имкон бермаяпти.

Мен яна шуни ҳам айтмоқчиманки, ҳозирги вақтда амалда бўлган ҳақ тўлаш системаси талабга жавоб бермайди. Бу система ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг ишлаб чиқариш самараларини оширишга қизиқтирмайди. Одамларнинг моддий манфаатдорлигини оширмоқ учун меҳнатга натурал усулда ҳақ тўлашга, яъни ҳар бир тонна ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб ҳақ белгилаш системасига кўчиш лозим.

Бизнинг корхонамиз ҳозиргача ўз фондига эга эмас. Бу фондга эга бўлиш учун Халқ хўжалиги кенгашидаги раҳбарлар белгила тан «тўқсон тўққиз» кўрсаткични бажариш талаб этилар эди. Планлар ҳам йилига 2-3 марта ўзгартирилар, мавжуд қувватлар ҳисобга олинмай план топшириқлари белгиланар эди.

Етти йилликнинг сўнгги йилига белгиланган топшириқлар муваффақият билан бажарилянти. Жумладан, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида тола ишлаб чиқариш топшириғи 103 процент, момиқ ишлаб чиқариш 134 процент бажарилди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми арафасида бошланган социалистик мусобақа ўз самарасини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларидан руҳланган коллективимиз шу кеча-кундузда меҳнат вахтасида туриб ишлаяпти. Смена мастери Михаил Жуланов, Кўчбой Кўчев, ишчи Зоя Гулмирова, пресссовчи Карим Холматов, токарь-рационализатор А. Тепухин, электр слесарь А. Петрушенко, М. Нуриддинов, О. Сувонов ва бошқа ўртоқлар кунлик топшириқларини 2-3 баравар адо этяптилар.

Коллективимиз аъзолари ишлаб чиқариш процессига янги техникани жорий этиш ишига ҳам жиддий эътибор бермоқда. Масалан, биз ҳозирги пайтда маҳсулот сифатини яхшилаш учун тозалаш цехи қуриш ишини жадаллаштириб юбордик. Бу цехда янги асбоб-ускуналар ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари тез суръатлар билан бормоқда. Шунингдек, Биков системасидаги 3 та қуритиш барабани ҳам қурилмоқда. Заводимиз рационализаторларининг таклифига биноан, тола ишлаб чиқаришнинг технологиясини яхшилаш мақсадида янги аппаратлар ишга туширилди.

Корхонамиз коллективи етти йилликнинг сўнгги йилида ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларга бутун диққат-эътиборни жалб этмоқда.

Т. БЕГЛОВ,

Термиз пахта тозалаш заводининг директори.

РАҲБАРЛАР, ИДОРАЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ

ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

«Ҳурматли редакция!

Тошкент шаҳрида телефон хизматининг истиқболлари қандай? Бу соҳада яқин йилларда нима янгиликлар бўлади?

Т. ЮЛДОШЕВ,

Тошкент хўжалик буюмлари заводининг электромонтёри».

Бу савол бўйича махсус мухбиримиз Акмал Раҳимов шаҳар телефон станциясининг бошлиғи ўртоқ Х. Гуломовга мурожаат қилди. Бошлиқ қуйидагиларни айтди.

Тошкент шаҳрининг қиёфаси йил сайин ўзгариб, обод ва кўркам бўлиб боряпти. Унинг территорияси кенгайиб, янги массивлар барпо этилмоқда. Кўплаб уй-жой ва жамоат бинолари қад кўтармоқда. Шунингдек кишилар манзилларини яқин, ишларини енгил қиладиган телефондан кенг фойдаланмоқда. Бу қувончли ўзгаришлар телефон алоқаси билан шуғулланувчи ходимлар олдига, унинг тармоқларини тез суръатларда кенгайтириш, мавжуд станциялардан унумли фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Биз зиммамиздаги бу муҳим ва заврр вазифани англаган ҳолда, эҳтиёжларни имконияти борича тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу билан бирга мавжуд телефонларнинг нуқсонсиз ишлашига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ўзингизга маълум, баъзида хонадон, иш жойидаги автомат-телефон трубкасини олсангиз, гудок дарҳол эшитилавермайди. Трубкадан овоз чиқмагач, асаб бузилади. Телефон станциядаги боғловчи аппаратлар банд бўлиб ёта ди. Гоҳида секин, ёмон эшитилади, чатоқ уланади. Биз, аввало, ана шу содир бўлаётган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қиляпмиз. Эскириб қолган машина-ускуналарни ўзгартиряпмиз. Бу билан «2» ва «3» рақамлар билан бошланадиган телефонларнинг иши тўбдан яхшиланади. Бунга шу йилнинг декабрь ойигача эришамиз. Шундан кейин «2» ва «3» рақамли телефон аппаратлар илгари беш сонли бўлган бўлса, янгиланган станция ишга туширилиши билан олти рақамли бўлади. Телефон трубкани олишингиз билан керакли номерни бемалол оларасиз.

Шунингдек телефон аппарати ишдан чиқиб қолса, станцияда маълум бўлади. Унга қараб, мастер бузилган аппаратни тузатиб кетади.

Шаҳардаги 4-5-6-7-номерли автоматик телефон станциялар ҳам реконструкция қилинади. Уларнинг иш сифати анча яхшиланади. Шу йилнинг охиригача Куйбишев районидаги 6-телефон станцияси икки минг телефонга, Киров районида қурилаётган 8-станция уч минг телефонга кенгайтирилади. 1966 йилда Ленин районида, Фрунзе районида ҳар бири ўн минг номерга, Октябрь районида уч минг номерга эга бўлган телефон станцияларн қурилиб фойдаланишга топширилади.

Пойтахтимиздаги Високовольтная, Оқтепа, Виставочная-массивларида ер остига кабель ётқизиш ишлари тез суръат билан олиб борилмоқда. Бу жойларда янги станциялар ишга туширилиб, эскилари реконструкция қилингач, шаҳар аҳолисига яна 30 минг номер совға қилинади.

Аҳоли зич жойлашган Чилонзор районида ҳам келгуси йилда муносиб совға олади. Районда ҳозир 3,5 минг телефон аппаратлари хизмат қилаётган бўлса, 1966 йилда уларнинг сони 9,5 мингга етади. Бундан ташқари 5, 6, 10, 11-секторларда 200, 300, 400 номерга мўлжалланган кичик станциялар барпо этилади.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, телефон хизматининг яхши бўлишига баъзи қурилиш ташкилотлари ўзларининг эътиборсизликлари билан халақит бермоқдалар. Бу ташкилотлар ер ости ишларини бажаришдан олдин телефон станциядан бирор мутахассини чақиришни «унутадилар». Сўнгра телефон кабель симларини узиб юборавердилар ва аҳолини анча вақт телефон алоқасидан маҳрум қилиб қўядилар. Фактларга мурожаат этайлик. Шу йил 11 июлда «Таштранспецстрой»га қарашли 5-қурилиш бошқармасининг ишчилари Студентлар шаҳарчасида ер ости ишларини олиб бораётганларида юзлаб телефон кабель симларини узиб юборганлар. 4 августда эса шу ташкилотга қарашли 3-қурилиш бошқармасининг прораби С. Винниковнинг айби билан 120 дан зиёд телефон аппарати 7200 соат ишламай турган. «Ўзсантехмонтаж» бошқармаси (бошлиғи А. Аванесов) ишчиларининг айби билан пойтахтдаги Якуб Колас — Свердлов кўчалари туташган жойда 170 жуфт симни узиб 200 телефон бир неча кун ишламай турган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети бу каби ножўя ишларнинг содир бўлмаслигида, бизга яқиндан ёрдам берса ишимиз яна бирмунча яхшиланади.

Шунингдек «Ташкентканбель» заводи ҳам шаҳар телефон станцияси учун ўз зиммасига олган турли хилдаги 500 километр кабель симни етказиб бериш билан ишимизга кўмаклашади деб умид қиламиз.

Аҳолининг телефон хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун барча чора-тадбирларни кўрамиз.

Партия ўқиши янги йили олдидан

«ҲУРМАТ КИТОБИ»

Андижон областида коммунистларнинг, комсомолларнинг сиёсий ўқувига бу йил алоҳида эътибор берилянти. Партия маорифи шохобчаларида ўтган ўқув йилида 6 мингдан зиёд андижонлик пропагандист марксча-ленинча таълимотни оммага етказиш учун астойдил меҳнат қилди. Область партия комитети партия ўқишининг янги йилига тайёргарлиги ҳар тарафлама кучайтириш, пропаганда ишига энг яхши коммунистларни, билимдон, малакали мутахассисларни, зиёлиларни жалб қилиш, уларни рағбатлантириш, руҳлантириш мақсадида яқинда «Область пропагандистларининг ҳурмат китоби»ни таъсис этди.

«Ҳурмат китоби»га ўз устида қунт билан ишлаётган, пропагандистлик маҳоратини тобора ошириб, революцион назарияни ижодий ўрганаётган, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида узоқ йиллардан буён ҳормай-толмай самарали меҳнат қилаётган энг яхши пропагандистларнинг номи ёзилади. Улар район ва шаҳар партия комитетлари томонидан ҳурмат китобига тавсия этилгач, область партия комитетининг бюроси номзодларни тасдиқлайди.

Бу китобга биринчи бўлиб обрўли пропагандистлардан 20 кишининг номи ёзилди. Улар орасида Андижон ватан депосининг бригада механиги Нуриддин Сиддиқов, Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг экономисти А. Усмонов, Хўжаобод районидаги Гагарин номли 53-мактаб директори Райхон Рустамова, Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз экономисти Маҳмуджон Қиргизов, Балиқчи районидаги «Победа» колхозининг ранси Тўхтасин Неъматиллаев ва бошқа ўртоқлар бор.

Коммунистлар билан яккамаяккa суҳбатлашиб, уларни бошлангич сиёсий мактаблар, марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактаблари, марксизм-ленинизм университетларида актив иштирок этиши ҳақида қайғурилмоқда.

Партия ўқишининг савияси пропагандистнинг билимдонлигига, санъатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ўқиши янги йили олдидан пропагандистлар синчиклаб танланаётир, уларга яқиндан кўмак берилмоқда. Областда 2933 коммунист-пропагандист қилиб тасдиқланди.

Ҳ. НУРИДДИНОВ,

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Ҳар тўғрида бир шингил

ГИЖДУВОН районидаги Форишкент қишлоқ Советида бахт уйи ташкил этилди.

И. Қаландаров.

●

ОЛТИАРИҚ район матлубот жамияти қўшимча 10 та сотувчисиз магазин, 10 та кўчма дўкон, 2 та автолавка ташкил қилди.

Ж. Маматолимов.

●

Атоқли ўзбек совет шоири Ҳамид Олимжонга ўзи туғилган қишлоқда — Жиззах районидаги «Москва» колхозида ҳайкал ўрнатилди.

Ҳайкал ёнига район партия комитети, район ва шаҳар ижроия комитетлари, колхоз ва совхозлар, райондаги бошқа ташкилотлар ва мактаблар номидан гулчамбарлар қўйилди.

Бу суратдаги қувноқ қизлар Бўз районидаги «Янги турмуш» колхозининг теримчилари. Уларнинг ҳаммаси кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилган ва ҳозиргача ҳар бири 6 тоннадан ортиқ пахта терди. Ана шу қизлар ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаганлиги туфайли колхоз Андижон областида биринчилар қатори йиллик планни муваффақиятли адо этди ва ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. План тўлган куни колхоз раиси ўртоқ Тошхон Хожиқосимова қизларни табриклагани келди. **Суратда:** (чапдан) Муқаддас Юсупова, Розахон Эминова, Марҳабат Бозорбоева, Тошхон Хожиқосимова, Инобат Юсупова, Хадича Иброҳимова ва Озода Хожиқосимова ўртоқлар.

Л. Глауберзон фотоси.

«ПАХТАОБОД»НИНГ БИР КУНИ

РЕПОРТАЖ

Тонг пайти. Дала йўли гавжум. Шўх қиз-жувонлар, барваста йигитлар, хуллас бутун қишлоқ аҳли пахтазорга ошиқяпти.

Йўлнинг икки чети чаман-чаман пахта. Узоқдан кимдир терган пахтасини торттирэётгани кўринди.

— Ойбиби! — деди ҳамроҳимиз.

Раис машинадан тушаркан қизларга:

— Ҳорманглар қизларим, ҳорманглар! — деди. Сўнгра табелчига янги топшириқлар бериб, йўлга равона бўлди.

Ойбиби четроқда турган термосдан бир пиёла чой қуйиб ичиб-да, этак тутиб пахтазорга шўнғиди.

2-бригаданинг Ойбиби Ботирова бошлиқ қизлар звеноси шу куни ғалаба рапортига қол қўйишга ошиқишар эди.

— Ойбиби ишни уйқусида босади...

— Ростданми раис ака, — кимдир ҳазиломуз гапни бўлди.

— Ҳа, бир Ойбиби эмас, колхозимизда ҳамма ғайрат қилиб ишлаяпти. Ахир, колхоз бўйича қунига 3 процентдан ошириб пахта топшириш айтмоққа осон.

Қаршимизда қорачадан келган, барваста йигит пайдо бўлди.

— Танишинг, чўлқувар бригадирлардан бири — Қодиржон Мирзаев, — деди раис йигит билан кўришиб бўлгач, қани Қодиржон бу йилги ишларинг ҳақида гапириб бергин меҳмонларга.

Бригада бошлиғи салмоқлаб гап бошлади:

— 90 гектар янтоқзорни ўзлаштириб чигит экдик. Ҳосил яхши бўлди. Планни 22 иш кунида бажардик. Қўшимча мажбуриятимиз гектар бошига ўн беш центнер. Ҳаммаси қирқ бўлади.

Қодиржон Мирзаев гапини исботламоқчи бўлиб, бизни хирмонга бошлади. Ҳали қуёш тиккага келмаган бўлса ҳам тарозибон Ҳ. Раҳматовнинг қўли-қўлига тегмайди. У гоҳ табелчига, гоҳ теримчиларга қараб гаширади:

— Раҳима Абдуллаева 24, Гулбиби Шодиева 21, Ҳаловат Очилова 27 килограмм...

Хирмонда барча баравар ишлаяпти. Тепа-тепа «оқ олтин» кўзни қамаштиради.

Ҳаш-паш дегунча каттакон тележка пахтага лиммо-лим бўлди. Тракторчи Рўзи Орипов рулга ўтириб, пункт томон жўнади. Бу «Пахтаобод» колхозидан Ғиждувон тайёрлов пунктига жўнатилган еттинчи машина эди.

«Пахтаобод» колхозида пахтачилик илмининг усталари жуда кўп. Чунончи, Н. Қўчқоров, Р. Орипов, Б. Хайитовлар бошлиқ ўнлаб звено, З. Шоназаров, Қ. Мирзаев сингарилар бошлиқ бир нечта бригадалар ҳозирги кунда давлатга плондан ташқари пахта сотмоқдалар. Р. Абдуллаева, Г. Шодиева, Х. Очилова, О. Ботирова сингари чеварлар кунига 180-200 килограмм «оқ олтин» теришяпти.

Хўжаликнинг асосий юкини машиналар кўтаряпти. Шу кунларда колхознинг 1800 гектарли пахтазорида ўндан ортиқ «зангори кема» тинимсиз ишлаб турибди. Турсун Жамилов, Абдураҳмон Тошев, Бўрон Урунов каби «пўлат от» чавандозлари кунига хирмонга 3,5-4 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, эл олқишига сазовор бўлмоқдалар. Бу азамат механизаторларнинг ён дафтарчасида ҳозирданоқ «65-70 тонна» деган рақамларни ўқийсиз.

Кун охирлаб, атрофга тун пардаси ёпилди. Раис билан Ғиждувон пахта пунктига бордик. Пункт мудири ўртоқ Р. Отақулов шу кунги «Пахтаобод» колхозидан йиллик планнинг 3,87 процента миқдорида «оқ олтин» қабул қилиниб, йиллик план 90 процентдан ошганлигини маълум қилди.

Бухоро область Ғиждувон районидаги «Пахтаобод» колхози деҳқонлари 1800 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш ҳақидаги аҳдларини 10 октябрда бажарадилар. Колхоздаги ҳозирги меҳнат кўтаринкилиги шундан далолат бериб турибди.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЎЗ ҚИЗЛАРИ

Яқинда Андижон область Бўз районидаги Карл Маркс номли колхозда бўлдим. Колхоз правлениеси алоҳида курс очиб, 20 та қизни пахта теряш машинаси ҳайдашга ўқитибди. Қизлар ҳозир «зангори кема»ларда роса пахта термоқдалар.

Бўз қизлари,
Бўз қизлари,
Яшанг, колхоз қизлари!
Андижонга шон келтирган
Юртим бир сўз қизлари.
Йигирма қиз бўлиб Бўзда
Жавлон урар сафингиз.
Хирмонларга дармон бўлган
Баракали нафингиз.

Ишингизни кўрса қолар
«Қирқ қизлар ҳам ҳайратда.
Қолишмайсиз Турсунойдан
Ҳар бирингиз ғайратда.
Сизни улуғ бахтга бошлар
Бу ушлаган рулингиз,
Сутдай кўпчиб ётган момиқ
Сизнинг севган гулингиз.
Машинангиз ўтган чоқда
Улар сизга талпинар,
Ким айтади чиқмайди деб
Қизлардан ҳам тантилар.
Қирқ кўз бўлиб пахтазорга
Боқасиз-у тошасиз.
Кўкда кузнинг булутидан
Балки сиз ҳам шошасиз.
Бўз ерларда етишибди
Меҳнатингиз туҳфаси,
Юзингизда чангни кўрдим —
Гўё бўз ер упаси.
Машинангиз тепасида
Қизил байроқ кўрдим мен.
Бу байроқнинг шўъласида
Порлоқ яноқ кўрдим мен.
Санобархон, Мукофотхон,
Замира-ю Қўзихон...
Номларингиз санаш учун
Тополмадим ҳеч имкон.
Қолишмайсиз чаққонликда
Бирингиздан бирингиз.
Йигитлар ҳеч пайқашганми
Бу гўзаллик сирингиз.
Пахтангизга,
Ахдингизга
Тан беришар маннопларр.
«Бўз қизлари» дея куйлар
Сизни қўшиқ, китоблар.
Ҳеч тугамас илҳом берди
Кенг пахтазор Бўзингиз,
Шу шеъримни дафтаримга
Гўё ёзган ўзингиз.

Пўлат МУМИН,
Андижон. Бўз райони.
1965 йил, сентябрь.

3.650.000 ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1965 йил 6 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар ва районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи стун — машинада терилган пахта)

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оржоникидзе	102,29	93,90
Ўрта Чирчиқ	90,43	96,37
Оҳангарон	89,88	108,93
Юқори Чирчиқ	88,96	91,63
Бўка	87,17	96,10
Калинин	82,40	55,60
Янгийўл	71,60	62,47
Бекобод	70,19	74,22
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ғузор	92,45	95,00
Чироқчи	87,34	21,54
Яккабоғ	86,97	26,25
Шаҳрисабз	86,72	32,79
Қамаши	80,24	45,95
Косон	72,35	48,84
Қарши	58,70	29,65
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бухоро	77,92	25,46
Вобкент	77,08	15,73
Когон	74,38	29,60
Ғиждувон	73,43	24,33
Ромитан	72,81	25,73
Навоий	71,31	32,87
Қоровўл	68,42	19,75
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	103,10	94,34
Ўзбекистон	87,87	84,54
Поп	79,44	76,94
Ленинград	78,13	62,94
Бағдод	72,92	40,88
Олтиариқ	61,00	45,85
Охунбобоев	60,48	39,14
Кува	56,97	54,15
Фарғона	49,48	24,00
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шўрчи	77,61	77,73
Шеробод	73,47	39,46
Жарқўрғон	70,08	81,23
Сариосиё	69,01	72,55
Денов	68,15	67,52
Термиз	54,66	32,08
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Нарпай	78,65	60,20
Хатирчи	76,32	49,20
Пайариқ	69,25	50,49
Ғаллаорол	66,70	—
Иштихон	64,47	33,97
Каттақўрғон	61,59	36,23
Булунгур	58,04	41,82
Пастдарғом	54,55	27,22
Самарқанд	44,82	39,93
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	86,70	96,17
Задарё	84,80	83,49
Чуст	70,87	48,01
Москва	66,19	46,27
Балиқчи	64,94	63,25
Ленин	64,34	29,69
Янгиқўрғон	62,99	45,73
Избоскан	61,61	46,39
Андижон	60,04	19,71
Наманган	59,71	38,04
Хўжаобод	59,45	41,28
Учқўрғон	57,85	39,72
Қўрғонтепа	44,00	42,68
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Янгиариқ	67,90	29,39
Ҳазорасп	66,97	37,26
Шовот	59,50	44,44
Хива	55,81	29,28
Урганч	52,53	29,06
Гурлан	47,98	24,28
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Беруний	69,58	40,73
Тўрткўл	65,30	40,35
Хўжайли	58,66	29,82
Амударё	55,13	36,56
Чимбой	40,72	20,42
Қўнғирот	39,85	33,02
Кегайли	34,99	35,51
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Жиззах	65,20	83,57
Боёвут	56,35	69,76
Киров	52,86	67,69
Пахтаорол	52,84	67,30
Еттисой	49,12	55,78
Сирдарё	48,54	54,02
Гулистон	47,63	59,66
Ильич	41,18	65,63

ИШКОМЛАРНИ ОРАЛАБ...

Узоқ-узоқларга қулоч ёзган бу узумзорларда бугун ҳам ҳаёт барвақт бошланди. Оқ кишмишнинг салмоқдор бошлари зумрад яproқлар орасида қуёш нурида қаҳрабодек товланади. Нариги қаторларда эса ҳусайни, дарбоз, рислинг, мускат навли узумлар... Эҳҳе, бу улкан ишкомларда шу қадар кўп хилда узум етиштириладики, санаб-санагига, таъриф-лаб адоғига етишингиз қийин. Дастурхонимизни қишин-ёзин безаб турувчи бол таъмли кишмиш ҳам, тўю тантаналарда қадаҳларда кўпирувчи виноларр ҳам худди шу узумзорлар маҳсули.

Бу ерга автомашиналар, прицеп тиркалган тракторлар узлуксиз келиб-кетиб туради. Нақ кузов баравари узум ортиб олган бу транспортларнинг бир қисми шу совхоз территориясидаги виночилик заводига бурилса, бир қисми темир йўл станцияси томон елади.

— Бу йил узум йили бўлди, — дейди совхоз директори Раҳимжон Расулов ишкомларга ишора қилиб, — ҳа, аввалги йилларга таққослаб бўлмайдиган даражада узум битди десак, муболаға бўлмайди. Буни ҳар куни давлатга 3 процент миқдорида узум топшираётганимиздан ҳам аниқ билса бўлади. Бу, ҳар куни 260-270 тоннадан узум узляпти демакдир.

Ўртоқ Рустам Ҳакимов бошлиқ бўлим узум териш ва топширишда хўжаликда пешқадамлик қилиб келаётир. Пешана тери эвазига мўл ҳосил етиштирган соҳибкорлар планни аллақачон 120 процент қилиб ado этдилар. Аммо, ҳали қанча-канча ишкомлардаги шарбатга тўлиб турган ҳосил чевар қўлларга мунтазир. Бўлим соҳибкорлари буни ҳисобга олишиб, яна 400 тонна узум топширишга бел боғладилар. Улар шу кунларда ҳосилни жадал йиғиштириб олиш учун иш суръатини янада кучайтиришиб, ҳар куни заводга неча ўнлаб тонна узум жўнатишга муваффақ бўлаётирлар.

Ишкомларни оралар экансиз, қўли гул соҳибкорлар меҳнатига беҳиҳтиёр тан берасиз. Мана, оддий кишчилардан Т. Қорабошев, О. Сафаров ўртоқларни олиб кўрайлик. Улар кунига 350 килограмм ўрнига 1300 килограммгача узум узаётирлар. Бундай илғорлар совхозда неча ўнлаб, юзлаб саналади. Хўжалик 698 гектар узумзорнинг ҳар гектаридан пландаги 111,4 центнер ўрнига шу кунгача қариб 120 центнердан узум топшириб мажбуриятни ҳам бажариш арафасида турган экан, бу шубҳасиз ана шу фидокор ишчиларнинг, агрономларнинг пешана тери самарасидир.

Бу улкан ютуқлар боисини сўраганимизда, директор:

— Бобоқандаримиз тадбирли, ижоди булоқдай қайнаб турган кишиларимиз бор, бундай кишилар билан мўлжалдаги маррага етиш мумкин, — дейди.

Келинг, хўжалик раҳбари айтиб ўтган шу ижодкорлар ҳақида икки оғиз гапириб ўтайлик. Совхоз инженерлари Ш. Олимов ва А. Жабборов ўртоқлар ана шундай кишилар жумласиландирлар. Улар ихтиро этган қатор ораларни ишлайдиган механизм соҳибкорлар меҳнатини енгиллаштириш билан бирга, бегона ўтга қирон келтирди. Ана шу мутахассислар токларни ўгитловчи яна бир механизм ҳам яратишиб, совхоз коллективи таҳсинига сазовор бўлдилар. Ҳар икки ихтиро йилига хўжаликнинг 3,5 минг сўм пулини тежаб қолади.

Булунгур районидаги мазкур 1-«Булунгур» узумчилик-виночилик совхози бу йил она-Ватанга плондан ташқари 1000 тонна узум топширмоқчи. Бухгалтерия ҳисоб-китобларига қараганда, даромад ҳам ҳар йилгидан мўл бўлади — узумчиликнинг ўзидан 1 миллион 100 минг сўм соф фойда олинади. Бу, ишчилар фаровонлиги янада ошади демакдир.

Бўлажак олим бошқараётган бу давлат хўжалигининг номи республикамиздан ташқарида ҳам маълумдир. Совхоз далаларида етиштирилаётган 76 навдаги узумлар аъло навли виноси учун Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг 6 та медали ва бир неча дипломлари билан тақдирланган.

Ишкомлар бирин-кетин ҳосилдан бўшаяпти. Лекин бу билан иш ниҳоясига етгани йўқ. Соҳибкорлар узумзор оралашни тарк этмайдилар. Улар кузги тадбирларни ҳам эмалга оширишга киришдилар. Ҳа, барака — ҳаракатда.

Л. ЭРГАШЕВ,
О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ОДОБ, АХЛОҚ ТЕМАСИДА

БУ КИМНИНГ ЭРКАСИ?

«Андижон» нефть кони посёлкасида жойлашган касалхонада Комил исмли эркатой бор. У кишиларнинг жароҳатини даволаш у ёқда турсин, ўз юрагидаги жароҳатини ҳам даволай олмайди.

Басавлат, қадди-қомати келишган, истараси иссиқ бу йигит сиртдан қараганда жуда мулойим, ундан мўмин одам ҳали тутилмаган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Лекин унинг қилмишлари билан танишгач, беихтиёр нафратланасиз.

Посёлкада яшовчи кишилар унга «уста Комил» деб лақаб қўйишибди. Бунинг боиси бор. У қизлар билан танишиб олишгаю, ўйланиш учун режа тузишга жуда уста.

Комил Умаров кўз очиб кўрган умр йўлдоши Ақилхон Аскаровага ҳам олам-олам бахт-саодат ваъда қилди. Унинг ёрдамида Самарқанд медицина институтида ўқиганини эл билади. Комилжон учинчи курсни битиргач, колхозчи оиласида ўсган Ақилхонни камсита бошлади, у билан ёмаён юришни ўзига эп кўрмади.

— Сен бизнинг ҳонадонимизга тушган доғсан. Врач оиласи булоқ сувидек мусаффо бўлгани маъқул. Ўзинг ўйлаб кўр. Ахир бир умр саводсиз хотин билан умр кечиришим керакми, — деди.

Комилнинг шу гапидан кейин Ақилхон отасининкига кетиб қолди. Беор йигит ундан узр сўраш ўрнига: «Хотиним мен келгунча эрга тегиб кетибди» деб ғаш тарқатди. Шундай қилиб, иккинчи хотин олишга йўл очиб олди. Абдуразоқова Озодахон исмли қизнинг оёғига бош урди, уни ҳар кўрганда:

— Бахти қора йигитман. Мен фақат сиз учун туғилган эканман — Ақилхонга адашиб уйланибман. Ҳаётда адашмаган ким бор? — деб ҳарҳаша қилади.

Озодахон унинг гапларига ишонди. Нега ишонди экан? Ўз бахтини, тақдирини наҳот шундай енгилтак одам қўлига топширса у. Умр саводсизга бу қадар енгилтаклик билан қараб бўлазими, ахир. Озодахон ниҳоҳсиз хотин бўлди. Фарзандлик бўлгандан кейингина ўз хатосини, енгилтаклигини англади. Чунки Комил яна эски қилиқларини бошлади. Озодахоннинг ўғли бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлди. Комил эса худди шуни пойлаб тургандай ёш аёлга ёпиша кетди.

— Одамлар, эшитинг, хотиним ўз боласини ўзи ўлдирди, — деб жар солди.

Қандай виждонсизлик бу! Қайси тошбағир она ўз фарзандини ўзи ўлдиради? Ким ишонади бунга. Комилга янги ёр излаш учун баҳона керак эди, холос. Шу-шу бўлдию у Озодахондан ҳам юз ўгирди.

Ўша маҳалда Комил шу касалхонада бош врач бўлиб ишларди. Озодахон район ва область соғлиқни сақлаш бўлимларига арз қилди. Андижон область соғлиқни сақлаш бўлими: Комил бош врачлик лавозимидан четлатилсин ва район касалхонасига оддий врач қилиб жўнатилсин, деган мазмунда буйруқ чиқарди.

Буйруқнинг биринчи моддаси ижро этилди. Иккинчи моддаси қоғозда қолиб кетди. Комил шу касалхонадан жилмади, оддий врач бўлиб ишлади. Озодахон эса, йиғлаб-йиғлаб кетаверди. Адҳам Буваназаров бош врач бўлди.

Комил назарида қорлар ёғиб, изғирин босилди. У ўзига яна чиройли қаллиг қидира бошлади. Тоғасининг қизи Ҳожинисо тўлин ойдай етилиб қолганди. «Шунга уйланиб кўя қолай» деган қарорга келди. Ниҳоят Ҳожинисони ҳам тузоғига илинтирди. Энди унинг оғзи қулоғида, хурсанд. Қайн бироз мушугини «пишт» деб кўрсин-чи.

Учинчи хотинни ҳам эл олдида ниқоҳлаб олган уста Комил янги «режа» тузди. «Мендек тажрибали врач бор жойда бош врач Буваназаровга йўл бўлсин!» деган ўй билан, область соғлиқни сақлаш бўлимига Буваназаров устидан шикоят хат ёзди. Хатни К. Умаров, К. Ботиров, К. Чабанова ва бошқалар ёзишганди. Хатда Буваназаровга туҳматлар қилинганди. Текширишда фактлар тасдиқланмади. Аммо туҳматчилар жазоланмади ҳам.

Комил Умаров аламини беморлардан, ёш врачлардан ола бошлади. «Андижон» нефть конининг мастери Абдураззоқ Темировнинг дилига озор берди. У оғир трубани кўтараётиб белн лат еган эди.

— Сен мугомбирлик қиляпсан, — деб ўшқирди Комил Умаров Темировга қараб, — белинг оғригани ёлғон. Бу эски қийимда кўзимга кўринма!

Одобли бесдобдан ўрган дегани шу бўлса керак-да. Коммунист Темиров нордон сўзлар билан уста Комилнинг кўзини мошдек очиб қўймоқчи бўлди. Афсуски, у сўз таъсир қилиш давридан ўтиб қолган эди.

Ёш врач Абдулҳамид Абдуқаримов, лаборантка Мая Николаева, кон ишчиси Рауф Шамсиев ва бошқаларга ҳам шу хилда муомала қилди. Кон директори Мансур Зуҳриддинов, Хўжаобод район соғлиқни сақлаш бўлимининг айрим ходимлари Комил Умаровга нисбатан келишувчилик йўлини тутдилар.

Бош врач А. Буваназаровни уч ойлик малака ошириш курсига жўнатишиб, унинг ўрнига тағин Комил Умаровни вақтинча бош врач қилиб қўйишди. Буваназаров ўқишдан келгач, ҳеч қандай сабабсиз қайта ишга олинмади. Буваназаровнинг шу касалхонада ишлаётган хотини Муборак Турдиналиевага нисбатан ҳам турли бўҳтонлар ўюштирилди ва «Яхши ишламади» деган баҳона билан ишдан четлатилди.

Бу «адолат»ни кўриб уста Комил дўпписини осмонга иргитди. Касалхона ходимларига, даволанишга келган беморларга нисбатан тўралигини давом эттираверди. У нетаса кабинетда ўтириб ишлайди, хушламаса боши оққан томонга кетаверади. Комил Умаров қани деган саволга, «визовга кетган, деган жавоб ҳар маҳал тайёр.

Савол туғилади: Комил кимнинг эркаси? Уни ким тартибга чақиради, ахир! Уч марта уйланган, беморларга қўпол муомала қилаётган одамнинг бош врачлик постини эгаллаб туришга ҳақи борми?

Посёлка аҳолиси бу саволларга Хўжаобод район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Аваҳон Хўжақовдан сабрсизлик билан жавоб кутяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

АНДИЖОН. Наманган районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари давлатга 118 тоннадан ортиқ серқаймоқ сут топшириб, йиллик планни бажардилар.

Хўжалик чорвадорлари пландан ташқари яна 50 тонна сут топшириш мажбуриятини олдилар.

Э. Нуъмонов.

●

ФАРҒОНА. Охунбобоев номли колхоз Ленинград районидаги хўжаликлар орасида биринчи бўлиб, давлатга сут сотиш йиллик планини бажарди.

Шу кунларда колхоз чорвадорлари қўшимча мажбурият ҳисобига сут топширишни давом эттирмоқдалар.

М. Йўлдошев.

●

САМАРҚАНД. 1-«Булунғур» боғдорчилик совхозининг меҳнатсевар коллективи давлатга узум сотиш йиллик планини бажарди.

Пландан ташқари яна 1000 тонна узум топширишга қарор қилинди.

ИЧКИЛИКНИНГ ЁМОН ОҚИБАТИ

— Мастликда бўлди.

— Кечиринглар, маст эдим.

— Лаъноти ичкилик шишада тинч туради. Ичингга киргач ўзингни йўқотасан...

Суд жараёнида баъзан айбдорларнинг, жиноятга қўл урган шахсларнинг ана шундай иқрорларини эшитишга тўғри келади. Лекин айб шишадами? Совет қонунчилиги маст ҳолда жиноятга йўл қўйган шахсларнинг гуноҳини енгиллаштиришга ҳеч қандай асос бермайди. Чунки айб ичкиликда эмас, балки уни истеъмол қилган шахсдадир. Ичкилик ичиб, жиноятга қўл урдим, ҳамма айб шишада деб даъво қилувчилар тамомида адашадилар. Ичкиликбозлик одам характерининг бўшлиги, имонининг сустлиги аломатидир.

Ичкиликбозлик ўтмишнинг жирканч қолдиғидир. Унга қарши курашиш бутун жамоатчиликнинг кўшидир. Маълумки, спиртли ичимлик аввало киши саломатлигига катта зарар етказади, инсон умрини қисқартиради.

Коғон шаҳрида Наймушин ва Абдурахмонов деган икки шахс «дўстлашиб» қолишди. Улар маст ҳолда жамоат жойларида ўзларини тўта олмай юрдилар. Ўртоқлари уларни тартибга чақирди. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Ҳаддидан ошган бу шахслар маст ҳолда магазинга кириб, қимматли буюмларни ўғирлайдилар. Сўнг из йўқотиш мақсадида Бухоро шаҳрига қочадилар. Кўп ўтмай улар яна бир жойдаг қиладилар. Шергарон қишлоқ матлубот жамиятига қарашли магазиндан мол ўғирлашаётганда магазин мудири ўртоқ Муродов келиб қолади. Жиноятчилар уни темир таёқ билан уриб ўлдирадилар. Ана шундай жиноятни қилган бу шахслар қора стулда ўтириб, ҳамма айбни шишага тўнкасалар бунга тоқат қилиб бўладими? Бухоро область суди Наймушинни ўлим жазосига, Абдурахмоновни 15 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқариб, жуда тўғри иш қилди.

Ичкиликбозлик «касали»дан ёш авлодни ҳимоя қилиш ота-оналарнинг, бутун жамоатчиликнинг жонажон иши. Ароқхўр ота ўзининг ёнсоний бурчини унутиб қўяди. Ўйга маст ҳолда келиб, оила тинчлигини бузади, қўшнилар билан жанжал қилади. Буларнинг ҳаммаси ўша хонадондаги ёш болаларнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади. Балоғатга етмаган болалар ҳам катталарнинг ана шу ёмон қилиғига эргашиб, ичкилик ича бошлайдилар. Бунинг оқибати аксарий ҳолда ёмон натижа билан тугалланади. Шуни унутмаслик керакки, оила жамиятнинг ажралмас бир қисмидир. Унда ёш авлоднинг илк бор дунёқараши, ахлоқий идеаллари шаклланади. Яхши оила болининг маънавий-жисмоний соғлом ўсишининг, унинг меҳнатга муҳаббат, гражданлик бурчини чуқур ҳис этиш, жамиятга ва кишиларга ҳурмат билан қараш руҳида камол топишининг энг муҳим гаровидир. Афсуски, ҳозир ҳам бизнинг орамизда ўз боласининг тарбиясига бефарқ қаровчи, ёхуд уни ҳаддан ташқари эркалатиб, талтайтириб юборувчи ота-оналар бор. Баъзан бундай ота-оналар ўзларининг қилиқларидан болалар ўрнак олаётганликларини ўйламайдилар. Тошкентда яшовчи Артишчев — Фроловларнинг Николай ва Александр исмли ўғиллари бор. Ўғай ота Г. К. Фролов ҳеч қаерда ишламай, жамиятга нафи тегмай яшарди. Унинг рафиқаси Артишчева эса чайқовчилик билан шуғулланарди.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Улар доимо маст ҳолда юришар, фарзандларининг тарбияси ҳақида сира бош қотиришмасди. Болалар эса назоратсиз қолганликларини ҳис қилиб мактабга бормай қўйдилар. Улар ота-оналарининг ёмон қилиғига эргашиб, ичадиган бўлиб қолдилар. Шаҳар ташқарисига ўйнагани чиққан Николай ов милтиғи билан тенгдошини отиб қўйди. Табиий, у суд жавобгарлигига тортилди.

Совет қонунчилиги бола тарбиясида ўзининг гражданлик бурчини унутиб қўйган, ёш авлодга бефарқ қараган, ёхуд ўзининг ота-оналик ҳуқуқини суиистъмол қилган шахсларни қаттиқ жазолайди.

Ароқхўрларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги иш давлат жамоатчилик ёки ана шу шахснинг қариндош-уруғлари томонидан берилган ариза-лар асосида халқ судларида ҳал қилинади. Масалан, Тошкент шаҳар, Совбодная кўчаси 15-уйда турувчи Р. А. Осиповани Ленин район халқ суди оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди. Уч фарзандниг онаси бўлган бу аёл бирон ерда ишламай доимо маст ҳолда юрар, енгил турмуш кечирарди. Бу ҳол болаларнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шу сабабли жамоатчилик бу ишга бош қўшиб, Осиповадан фойдали меҳнат билан шуғулланишни талаб қилди.

Ичкиликбозликка қарши курашда корхона, муассаса, ташкилотлар коллективларининг роли айниқса катта. Лекин айрим ҳолларда баъзи раҳбарлар бу катта кучнинг ролига етарли эътибор бермайдилар. Айрим корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнат интизомининг бузилиши, кишилар билан ишлашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, тарбия ва маданий-оммавий ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида мазкур коллектив аъзолари ўртасида ичкиликбозлик «касали» тарқалади. Буни қуйидаги фактда ҳам кўриш мумкин. Фақат Тошкент мебель фабрикасидан, 86-автобазадан, таксимотор паркидан ўнлаб киши шаҳар хушёрхонасига олиб келинган.

Бизнингча, у ёки бу коллективнинг мавқеини белгилашда, уни тақдирлашда фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичларинигина эмас, балки шу билан бирга мазкур коллектив аъзоларининг ишда ва оилада ўзини қандай тутишларини ҳисобга олиш асосий ўлчовлардан бири бўлиши керак.

Янги инсонни тарбиялашдек муҳим вазифа ҳал қилинаётган ҳозирги пайтда айрим савдо тармоқлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ходимлари бу соҳада ўзларининг бурчларини унутиб қўйдилар. Улар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1958 йил 15 декабрдаги ичкиликбозликка қарши кураш ҳамда савдода ўткир спиртли ичимликларни сотишда тартиб ўрнатишга қаратилган қарорини бажармаётирлар. Ана шу қарорга мувофиқ, клуб, стадион, саноат корхоналари яқинида, шунингдек, магазинларда ароқ ичиш тақиқланган. Бунга қаттиқ риоя қилишимиз керак.

Хизмати пайтида ичиш катта жиноят бўлиш билан бирга ана шу шахс бошқанинг ҳаётини ҳам катта хавф остида қолдиради. Масалан, «Жиззахпроместрой»нинг 10-СМУ шофери ўз касбдоши Садчиков ва Одишаев билан ошхонада ароқ ичган. Шундан сўнг шофер рулга ўтирган. У машинани кўча қоидасига риоя қилмай ҳайдаган. Натижада июн аёлни бостириб кетган. Аммо жиноятчи ўз изини йўқотиш учун машинани янада каттароқ тезликда ҳайдаб қочишга уринган. Барибир у қўлга тушди. Шоферку ўз қилмишига яраша жазо олди. Лекин унинг бутилкадошлари Садчиков ва Одишаев ана шу жиноятда ўзларининг ҳам ҳиссалари бор эканлигини билармикинлар.

Спиртли ичимликни қўлда тайёрлаётган айрим пул ғадолари ҳам мана шундай фалокатларнинг иштирокчиларидирлар. Бу текинхўрлар фақат ўз жиғилдонини ўйлаб, жамиятга катта зарар етказаётганликларини билмаслика олади. Аксарият ана шундай шахслар маълум бир корхона ёки ташкилотнинг аъзоси бўлади. Бу ташкилот ва корхоналарнинг партия ташкилотлари, ишчи комитетлари ўз аъзоларининг ҳаёти билан чуқурроқ танишганларида ана шундай кишиларни кўпчилик олдида шармисор қилган бўлур эдилар.

Ичкиликбозлик юқорида қайд қилинганидек, жиноятнинг йўлдошидир. Кейинги пайтларда республикада ичкиликбозликка қарши курашда катта тадбирлар амалга оширилди. Бунда Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1961 йил 19 апрелда чиқарган махсус Фармони катта роль ўйнади. Лекин айрим жойларда ана шу Фармон ҳали ҳам яхши бажарилмаётир. Кўча ва паркларда, шаҳар транспортида ва бошқа жамоат жойларида маст ҳолда юрган кишиларни учратамиз. Уларга қарши фақат милиция ва халқ дружиначиларигина эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси бешафқат курашиши лозим. Бу эса кўпгина жиноятларнинг олдини олиш демакдир. Ичкиликбозлиги таг-томири билан қуритиб ташлайлик!

С. ПУЛАТХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари.

ҚЎРИҚ ЕР ҲОСИЛИ

Янгиариқ районидаги «Победа» колхозининг С. Каримов бошлиқ бригадаси Хоразмда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Қўриқ ердан ўзлаштирилган 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олинди. 97 тонна пахта олти иш кунида фақат «зангори кема»лар билан терилди.

Комплекс механизациялашган бу бригадада атиги 5 киши ишлайди. Ғўза парвариши ва пахта йиғим-терими механизация елкасига юкланган. Механик-қайдовчилардан Б. Бойжонов, К. Самандаров ўртоқлар ўз агрегатлари бункеридан 30-40 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Ҳали ҳосил кўп. Бригада аъзолари давлатга яна 56 тонна пахта сотиш ва 1 октябргача ҳосилдорликни 30 центнер га етказиш, олинган мажбуриятни бажаришга аҳд қилдилар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Планетамизда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 октябрь. ТАСС махсус мухбирлари **И. Лапицкий** билан **С. Лосев** хабар берадилар:

Кеча БМТ Бош Ассамблеясининг кундузги ялпи мажлисида Монголия Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри М. Дугэрсурэн сўзга чиқди. У, Ҳинди-Хитойда, айниқса Вьетнамда АҚШнинг агрессияси тобора кенгайиб бораётганлигидан, бу агрессия умумий тинчликка жиддий таҳдид солаётганлигидан ташвишланаётгани ва безовта бўлаётганини айтди.

Шундан сўнг Монголия Халқ Республикасининг вакили АҚШ ва бошқа империалистик давлатлар мамлакатларнинг ва халқларнинг ички ишларига аралашаётганликлари халқаро вазиятни кескинлаштириб юбораётган асосий манбалардан биридир, деб таъкидлади.

Агар БМТ тинчлик ва халқаро ҳамкорликнинг ҳақиқий қуроли бўлишни истаса, деб сўзини давом эттирди Дугэрсурэн, бундай ҳаракатларни қаттиқ қоралаши ва бу ҳаракатларнинг пайини қирқиш юзасидан самарали чоралар кўриши керак. Монголия Халқ Республикасининг делегацияси давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик тўғрисида, уларнинг мустақиллигини муҳофаза қилиш ҳақида мазкур сессияда декларация қабул қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи ҳукумати ўртага қўйган таклифни жуда актуал таклиф, деб ҳисоблайди. Монголия Халқ Республикаси ушбу сессия бу таклифни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди, деб умид қилади.

Сўнгра, Монголия Халқ Республикасининг вакили бундан буён ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик тўғрисида совет делегацияси томонидан сессияга ҳавола қилинган шартнома лойиҳасини қувватлаб гапирди. Пировардида, Монголия Халқ Республикасининг вакили БМТ чинакам универсал ташкилот бўлиб қолмоғи керак, деб уқтирди. БМТнинг асосчиларидан бири ва хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқлари тикланиши керак, деди у.

Непал бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Киртинидхи Бista ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг халқаро иқтисодий муносабатларида бошидан кечираётган қийинчиликлар тўғрисида гапириб, шу муносабат билан халқаро савдо-сотиқни нормаллаштириш ниҳоятда зарур бўлиб қолди, деган масалани қўйди. Непал делегати Вьетнамдаги урушга тўхталиб, «эскалацияга олиб бораётган операцияларни тўхтатиш»га ва Женева битимлари асосида жанжални тинч бартараф этишга чақирди.

Кундузги мажлисда Малайзия вакили билан Янги Зеландия вакили ҳам сўзга чиқдилар.

Жанубий Вьетнам. Партизанлар ва Озодлик армияси жангчиларига қарши қурашда муваффақиятсизликка учраган америкаликлар аламларини қишлоқларнинг тинч аҳолисидан олмоқдалар. Улар уйларга ўт қўйётирлар, экинларни ва моллари йўқ қилиб, юбормоқдалар. Омон қолган кишилари қишлоқларидан чиқариб юборяётирлар. Суратда: Америка парашютчиси бир гуруҳ Жанубий Вьетнам болаларини кузатиб бормоқда.

Фото «Де Мойн Реджистер» газетасидан олинди.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

МОСКВА, 6 октябрь. (ТАСС). Бугун Кремлда тантанали вазиятда машҳур инглиз жамоат арбоби ва журналисти Гордон Шафферга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти топширилди.

БУТУН ДУНЁ КАСАБА СОЮЗЛАРИГА МУРОЖААТ

ХАНОЙ, 6 октябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси касаба союзларининг умум конфедерацияси баёнот эълон қилиб, Америка босқинчилари Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган урушда заҳарлайдиган моддалар, заҳарли газлар ва бошқа қирғин воситаларини ишлатаётганликларини кескин равишда қоралади. ВИА агентлиги орқали эълон қилинган шу баёнотда АҚШ империалистлари ва уларнинг Сайгондаги малайлари бундай агрессия актларини дарҳол тўхатишлари лозим, деб таъкидланади.

Вьетнам Демократик Республикаси касаба союзларининг умум конфедерацияси бутун дунёдаги ишчилар синфига ва касаба союз ташкилотларига мурожаат қилиб, уларни Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши қатъий норозилик билдиришга чақирди.

ЗОЛИМЛИК СИЁСАТИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 6 октябрь. (ТАСС). Сальвадор ҳукумати мамлакат меҳнаткашларига нисбатан золимлик сиёсатини ўтказмоқда. У, мустақил касаба союз ҳаракатини бостиришга уринмоқда. бедодлик ва зўравонлик ишлатмоқда. Аргентина умуммеҳнат конфедерацияси Сальвадор меҳнаткашларининг умумий конфедерациясидан олган мактубда ана шундай дейилади. Мактубда ҳукумат маъмурлари гражданларнинг ҳуқуқларини мисли кўрилмаган тарзда поймол қилганликларини кўрсатувчи мисоллар айтиб ўтилади. Масалан, касаба союз раҳбари Сантьяго Контрерас 24 августдан бери қамоқда ётибди. Нима сабабдан қамалганлиги шу чоқача унинг ўзига айтилган эмас. 11 сентябрда касаба союз арбоби Карлос Марин ўғирлаб кетилди. Унинг қаердалиги номаълум.

Аргентина умуммеҳнат конфедерацияси Сальвадор касаба союз бирлашмаси билан ўзининг бирдамлигини билдирди ва қамаб қўйилган кишиларнинг дарҳол озодликка чиқарилишини талаб қилди.

Кун тартибида—дўстлик масаласи

6 октябрда Тошкентда очилган кенгаш ўз ишини Африка—Осиё мамлакатларининг жамоатчилиги билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга бағишлади. Кенгашни чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи чақирган. Кенгашда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон вакиллари иштирок этмоқда. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиуми раисининг ўринбосари Е. В. Ивачов доклад қилди.

Кенгаш бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

ФАҚАТ МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН

Марғилон шаҳрида яшовчи газетхон ўртоқ У. Мамажонов редакциямизга хат ёзиб, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳозирги можаронинг келиб чиқиш сабабини тушунтириб беришни сўрайди.

Қуйида ўртоқ Б. Маннонов нинг шу ҳақдаги мақоласини босдик.

□ □

Осиёнинг икки йирик давлати — Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги уруш ҳақида матбуотда хабарлар босила бошлаганига бир ярим ойдан ошди.

Икки қўшни давлат ўртасидаги ана шу қонли можаро дунёдаги барча тинчликсевар кучларни ёқа олмаслик ва ташвишга солди, чунки бу уруш Осиёдаги тинчликка хавф солибгина қолмай, шу билан бирга реакция ҳамда империализмнинг ривожланаётган мамлакатларнинг мустақил тараққиётига қарши жаҳоннинг ана шу қисмида ишлатиб келаётган кирдикорлари учун қулай манба бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин эди.

Матбуот хабарларидан маълумки, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можаронинг сабаби Кашмир масаласидир. Хўш, гап нимада?

Кашмир Ҳиндистон, Покистон, Хитой ва Афғонистон чегаралари туташган ерга жойлашган бўлиб, унинг майдони қариб Англия территориясига тенг келади. Кашмир СССРнинг жанубий чегарасидан атиги йигирма километр нарида жойлашган. Кашмир территориясининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, уларнинг ораликларидаги серҳосил водийларга зич жойлашган қадимий кашмирлар ўз таланти, меҳнатсеварлиги ва аҳиллиги билан Шарқда илгаридан машҳур бўлиб келган. Кашмирнинг энг йирик шаҳри — Сринагар. У Жамму ва Кашмир штатининг пойтахти ҳисобланади. Кашмирда ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Кашмирилар ўз золимлари ҳамда мустамлакачиларга қарши ҳаммавақт бир жон ва бир тан бўлиб курашиб келганлар.

Кашмир 1947 йилгача Британия Ҳиндистони составидаги князиклардан бири эди. Мустамлакачилар мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган худди ана шу 1947 йилда бу князлик территориясининг қулай географик-стратегик аҳамияти ва ерости бойликларини назарда тутиб, уни Ҳиндистон ярим оролида вужудга келган икки ёш давлат — Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги жанжал манбаига айлантирдилар. Кўпгина князликлар қатори, Кашмирга ҳам ҳар икки давлатнинг қайси бирига қўшилиш унинг ўз истагига ҳавола қилинган эди. 1947 йил 26 октябрда Кашмир махаражаси князликнинг Ҳиндистон составига қўшилиши ҳақидаги шартномага қўл қўйди. Империалистлар худди шу воқеадан фойдаланиб, Деҳли ва Карачи ўртасида қуролли тўқнашув бошланишига муяссар бўдилар. Бу олдиндан белгилаб қўйилган режа эди. Натижада икки ўртада Кашмир проблемаси пайдо бўлиб, 1947—1948 йиллар мобайнида бу масала устида қанчаданқанча ноҳақ қон тўкилди. 1949 йил январда ўт очиш тўхатилди ва яраш чизиғи белгиланди. Кашмир масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилиниб, яраш шартларини кузатувчи комиссия тайин қилинди.

Ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги битим имзоланганидан ва вақтинча чегара чизиғи ўтказилганидан кейин Кашмирнинг Ҳиндистон территориясидаги қисми Жамму ва Кашмир номи билан Ҳиндистон Республикасининг тенг ҳуқуқли штати бўлиб қолди. Кашмирнинг ўт очишни тўхатиш чизиғидан Покистон ҳарбий кўчлари ишғол қилган қисмида эса Покистон томонидан «Озод Кашмир» деган вилоят ташкил этилди. Яраш чизиғи белгиланиши билан можаро мутлақо бартараф этилмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, ҳаёт нормал тус ола бошлади. Бу ҳол ички ва ташқи реакцияни қаноатлантирмаслиги табиий эди. Кашмир проблемасининг тинч йўл билан ҳал қилиниши империалистларга навбатдаги зарба бўлиб кўринди. Улар жаҳоннинг бошқа жойларида сўнгги пайтларда сунъий йўл билан вужудга келтирган ғавғолари қаторида, бу ердаги келишмовчиликни ҳам янгилаш учун турли найранглар ишлатиб келдилар. Шунинг учун ҳам ўзаро кўтарилган бу сафарги можаро реакция ва империалистлар учун айни муддао бўлди.

Ҳиндистон—Покистон можароси бу сафар ҳар иккала томоннинг яраш ҳақидаги шартномани бузишда бир-бирларини айблаши билан бошланди. Ҳинд матбуотида 750 километрли яраш чизиғининг кўп жойлари Покистон ҳарбий маъмурлари томонидан бузилганлиги ҳақида хабарлар эълон қилинди. Покистон газеталари ва радиоси Жамму ва Кашмир мусулмон аҳолиси ўз тақдирини ўзи белгилаш учун қўзғолганлиги ҳақида хабарлар бера бошлади. Август ойининг бошларида яраш чизиғида ҳар иккала томон ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтганлиги ҳақида янги хабарлар тарқалди. Тез орада икки ўртадаги норозилик кайфияти тобора қонли тўқнашувларга айлана бошлади. Можаро уруш тусини олиб, у яшин тезлигида Кашмир территориясидан ташқарига чиқди ва Ҳиндистон — Покистон чегараси бўйлаб тарқалиб кетди.

Империалистлар Ҳиндистон — Покистон можаросини янада кенгайтиришга, ундан ўз разил мақсадлари учун фойдаланишга уриндилар, Америка империалистлари Осиё ва жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини Ҳинди-Хитойдаги ўз ёвузликларидан четга тортиб, Кашмир масаласи ҳақида ноғора қоқдилар.

Осиё халқлари манфаати, жаҳондаги тинчлик ини манфаати Ҳиндистон—Покистон можаросини тездан тинч йўл билан бартараф қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг фав қулодда чақирилган мажлисларида уч марта муҳокама қилинди. Бу мажлисларда қабул қилинган резолюцияларнинг мазмуни битта: тездан ўт очишни тўхатиш ва икки орадаги можаронн тинч йўл билан ҳал қилишдир. Хавфсизлик Кенгашининг топшириғига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан Равалпинди ва Деҳлига учиб борди ва ҳар иккала ҳукумат бошлиқлари билан конфликтни бартараф қилиш ҳақида учрашув ўтказди.

Ҳиндистон бош министри Лаял Баҳодир Шастри ва Покистон президенти Айюбхон номига Осиё ва Африкадаги жуда кўп давлат раҳбарларидан хатлар келди. Матбуотнинг хабарига қараганда, Сомали Республикасининг президенти Аден Абдулла Усмон, Кения президенти Жома Кениата, Эфиопия короли Хайле Селассие, Цейлон бош министри Дадли Сенанаяке, Гана президенти Кваме Нкрума, Уганда бош министри Милтон Оботе, Бирма Революцион советининг раиси Не Вин ва бошқалар ўз хатларида можаронн тинч йўл билан ҳал қилишни, урушни тўхатишни илтимос қилганлар.

Бизнинг мамлакатимиз Ҳиндистон билан қалин дўстона муносабатлар юритиб келмоқда. Унинг Покистон билан ҳам яхши муносабатлари ривожланиб бораётир. Совет Иттифоқи ҳеч қачон ана шу иккала қўшни давлатнинг урушишини истамайди ва бу можаронинг дарҳол бартараф қилиниши тарафдоридир. Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматларига мурожаат қилиб, тарихий Бандунг конференциясининг ташкилотчиларидан бўлган Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ҳарбий можаро тинчликни сақлаш ишини ҳамиша қадрлаб келган Совет Иттифоқини жиддий ташвишга солганлигини билдирди. Бу можародан бирор томон: Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам манфаат кўрмаслиги, аксинча, ундан мустамлакачилик асоратидан қутулган мамлакатларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишдан манфаатдор бўлган ташқи кучларгина фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди.

Совет ҳукумати Ҳиндистон ва Покистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳамда Бандунг принципларн руҳида ҳаракат қилиб, можаронн тинч йўл билан ҳал қилиш хусусида музокаралар бошлайдилар, деб кутади, дейилган эди бу хатларда. Шу билан бирга, Совет ҳукумати, агар томонлар лозим топсалар, бу соҳада Совет Иттифоқи холис хизмат кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Ниҳоят, 22 сентябрь куни Ҳиндистон ва Покистон қўшинлари ўртасида қонли уруш тўхатилди. Ҳар икки томон ҳам ўт очишни тўхатиш тўғрисида буйруқ берди.

Лекин можаро ҳали бартараф қилинганича йўқ. Ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги буйруқ гоҳ Ҳиндистон, гоҳ Покистон қўшинлари томонидан бузилаётганлиги ҳақида ташвишли хабарлар келмоқда.

Б. МАННОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

Индонезиядаги аҳвол

ЖАКАРТА, 6 октябрь. (ТАСС). Бугун Богордаги президент саройида Сукарно раислигида Индонезия ҳукуматининг мажлиси очилди. Мажлисда министрларнинг кўпчилиги, шу жумладан коммунист министрлар Нюто ва Луқмон ҳозир бўлдилар.

Индонезия радиоси «30 сентябрь ҳаракати»нинг декретлари тўғрисидаги хабарларни эълон қилиб турган, бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаган ёки қўллаб-қувватлашга интилган» газеталарни шу бугундан бошлаб расмий равишда тақиқлаш тўғрисида информация министри Аҳмадийнинг фармойиш и н и эшиттирди.

Бугун «Ангкатан Берсенжата» газетаси мусулмонлар партияси «Нахдатул уламо» марказий раҳбарлигининг ва бошқа баъзи ташкилотларнинг баёнотларини эълон қилди. Баёнотларнинг авторлари тез фурсатда президент коммунистик партияни, Халқ ёшлари ташкилотини, Индонезия хотин-қизлар ҳаракатини (Гервани), Индонезия касаба союзларнинг марказий федерациясини (Собси), шунингдек ўзини «30 сентябрь ҳаракати» деб атаганлар билан ҳамкорлик қилган бошқа оммавий ташкилотларни «тақиқласин» деб талаб қилмоқдалар.

Жакартада ва мамлакатнинг бошқа баъзи шаҳарларида коммунистларни қўлбоғ қамоққа олиш давом этмоқда.

БИЗНИНГ АҲБОРОТ

БОБИР ТОШЛАРИ

Афсонавий дашкарбоши ва нозик табиат шоир Бобирнинг автобиографик қундаликлари—Шарқ адабиётининг ажойиб ёдгорлиги «Бобирнома»нинг илк саҳифалари ҳашаматли ҳинд саройларида эмас, балки Зарафшон водийси тоғларида яратилган. Бу 1510 — 1512 йилларга тўғри келади. Ўшанда ёш Бобир ўз қўл остидаги ерлардан қувилиб, тоғларда яшириниб юришга мажбур бўлган эди.

Тожик тарихчиси Аҳрор Мухторов қадимий қишлоқ атрофларида Ҳиндистоннинг бўлажак шоҳи номи ўйилган олтита тош топди. Мутахассисларнинг фикрича, буларнинг ҳаммасини Бобир ўз қўли билан ўйиб ёзган.

«Шарқ юлдузи» журнали, 9- сон.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

ТОШКЕНТ. Чилонзор массивининг 15- секторида яна бир 85 хоналик янги уй-жой биноси фойдаланишга топширилди.

У. Муҳамедов.

НАВОИЙ. Шаҳар қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. Ўнлаб янги уй-жой, болалар боғчалари қад кўтармоқда. Куни кеча 200 оила яшайдиган 4 ва 5 қаватли мухташам бинолар фойдаланишга топширилди.

М. Рўзиев.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи республикамизнинг ғарбий районларида ҳаво бир оз булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Қолган областларда ҳам ҳаво бир оз булутланади ва ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол бўлиб туради.

Яйловларда шамолнинг тезлиги секундига 10-15 метргача бўлиб, чанг-тўзон кўтарилади. Ҳарорат 22-27 даражагача боради. Айрим жойларда эса ҳарорат 29 даражага кўтарилади.

Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади. Шарқ томондан шамол эсиб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

8 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт (ўзб.), 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус.), 8.25 — Концерт (ўзб.),

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Концерт (ўзб.), 10.10 — Қўшиқлар (рус.), 11.10 — Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари ва лабораториялари (ўзб.), 11.25 — Фортепьяно пьесалари (ўзб.), 12.15 — Ўзбек операларидан парчалар, 12.50 — Профилактика ва саломатлик (рус.), 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.), 13.40 — Вальс (рус.), 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.15 — Фортепьяно учун концерт (рус.), 17.00 — Концерт (ўзб.), 18.10—Булахов романслари (рус.), 18.30 — Ўрта Осиё республикалари халқларининг қўшиқлари (ўзб.), 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари, 20.00 — «КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари—амалга (рус.), 20.10 — Артур Айдиняк концерти (рус.),20.45 —Клублар—йиғим-терим ҳаматида (ўзб.), 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 22:00 — Телетайп лентасидан (ўзб.), 22.10 — Пахта теримидаги шаҳарликлар учун концерт (ўзбек.), 22.40 — «Абу Али ибн Сино—шоир» (ўзб.), 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари (ўзб., рус.), 23.20 — Пахтакорлар учун концерт (ўзб).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Уликамизда олтин куз** (ёшлар учун), 18.45 — **Нормандия-Неман** (бадиий фильм), 20.45 — **Тошкент области далаларида** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

21.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.10 — **Телевизион янгиликлар**, 21.25 — **Экран янгиликлари**, 22.15 — **Сўнгги янгиликлар**, 22.25 — **Реклама ва эълонлар**, 22.30 — **Уч миниатюра** (музикали эшиттириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.20 — **Оқар сув қиссаси** (болалар учун), 18.55 — **Тошкент янгиликлари**, 19.05 — **Гумер Теляшов** (телефильм), 19.35— **Урнингиздан туришни сўрайман** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 21.10 — **Коммунистик меҳнат кишилари**, 21.30 — **Тошкент янгиликлари**, 21.40 — **Чайкалар тунда ухламайди** (телефильм), 21.55 — **Опера ва балетлардан парчалар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/Х да **Дон-Жуан**, 9/Х да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/Х да **Сарвқомат дилбарим**, 9/Х да **Мирзо Улуғбек.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 9. 10/Х да **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Йиғлама, Пётр! — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Улуғбек юлдузи — ЕШ ГВАРДИЯ (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (ярим соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 8 да).

Севгилим—«ДРУЖБА» (2-зала), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тонг соатларда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2, 4 ва кеч 10 да).

Кул ва олмос — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Неаполнинг тўрт куни — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Рио 40 даража — «ДРУЖБА» (1-зала кундуз ва кечқурун).

Тарзаннинг ўлими — НАВОИЙ номли (кундуз соат 5 да ўзбек тилида).

Чўртанбалиқ амри билан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Узоқ юлдуз нури (1 ва 2-серия) — «ИСКРА» (кеч соат 9 да).

Дюймовочка — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Янги Дон-Жуан—«ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ленин орденли Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти Замира Ҳидоятовага онаси

Жаҳонбиби ЗОКИРОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Рус тилида чиқадиган

чет эл журналларига

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Болгария.
Венгерские новости.
Вьетнам.
ГДР—информация и иллюстрации.
Индия.
Китай.
Корея.
Куба.
Народная Румыния.
Польша.
Современная Монголия.
Социалистическая Чехословакия.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРИГА

1965/66 ўқув йили учун

ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация — гидротехниклар тайёрлайди;

гидромелиорация ишларини механизациялаш — гидромелиорация ишларини механизациялашга доир механик-техниклар тайёрлайди;

гидротехника қурилиши — гидротехник-техниклар тайёрлайди.

1-курсга 7-9 синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади ва она тилидан (диктант), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

3-курсга 10-11 синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинади ҳамда она тили ва адабиётидан (иншо) математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан бошланади.

Аризалар ҳозирдан қабул қилинмоқда. Ариза техникум директори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумот ҳақида шаҳодатнома ёки етуклик аттестати (асл нусхаси), таржимаи ҳол, 3х4 сантиметр ҳажмида 3 та фотокарточка, соғлиги ҳақида 286-форма справка, меҳнат ёки колхозчи дафтарчасининг копияси, турар жойдан справка, иш жойидан справка, ишлаб чиқариш характеристикаси.

Октябрь, ноябрь ойларида пуллик тайёрлов курси ташкил қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар 7-, Кольский переулок, 1-уй (1, 2, 4, 20, 11, 74, 78, автобусларда борилади). Телефон 6-06-47, 6-20-30.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

Х. М. Абдуллаев номли

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Сейсмик қузатишларни ишлаб чиқиш ва умумлаштириш лабораториясининг вакант мудири вазифасида ишлаш учун

конкурс

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари қатнаша оладилар.

Ариза ва ҳужжатлар 20 октябргача тақдим қилинсин.

Адрес: Тошкент шаҳар, Вратсов кўчаси, 33-уй.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1965 йил 19 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70- уй, Фанлар академияси президиумининг конференц-зали)

А. Ҳайитметов — филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Навоийнинг ижодий методи» деган темада.

1965 йил 20 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, иккинчи конференц-зал)

Ш. Носиров — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбек тилининг Қўқон шеваси» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ШАРҚШУНОС ОЛИМ

Бугун машҳур шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Михаил Григорьевич Пикулининнинг туғилганига 60 йил, илмий-педагогик ва сиёсий-ижтимоий фаолиятига 45 йил тўлди.

М. Г. Пикулин Шарқ халқларининг тарихи, иқтисоди, уларнинг мустақиллик учун кураши билан ғоят қизиқди. 1940 йилларданоқ ана шу темаларда қатор мақолалар ёза бошлади. Михаил Григорьевич бир неча йил мобайнида жанубдаги қўшнимиз—Афғонистоннинг иқтисодий ҳаётини ўрганди. Натижада 1949 йили «Афғонистоннинг иқтисодий очерки» деган темада йирик илмий иш ёзиб, кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. Бу асар, сўнгра ўзбек ва рус тилларида босилиб чиқди. Кейинчалик олим шу темани ривожлантириб, Афғонистонга бағишланган яна иккита йирик монография ёзди.

М. Г. Пикулининнинг илмий фаолиятида Яқин ва Ўрта Шарқдаги кичик халқлар проблемаси алоҳида ўрин тутади. Олим чет эл Шарқидаги кичик халқлар этногонези, ҳаёти ва курашини ўрганиш сохасида Ўрта Осиёда ўзига хос янги илмий соҳа очди ва уни бошқармоқда. Чет эл Шарқидаги кичик халқлар ҳақида Пикулин бир неча муҳим илмий тадқиқотлар яратди. Улар орасида Шарқнинг қадимий халқларидан бири—балужларга бағишланган асар алоҳида ўрин тутади. Бу асар 1959 йили Москвада босилиб чиқди ва шунинг учун М. Г. Пикулинга тарих фанлари доктори деган илмий даража берилди.

Профессор Пикулининнинг Шарқ халқлари тарихи, маданиятига бағишланган илмий асарларининг умумий сони 60 дан ошади. Бу асарлар ҳақида мамлакатимизда ва чет эл журналларида қатор тақризлар босилган, олимлар Пикулининнинг илмий фаолиятига ҳамма вақт юқори баҳо берганлар.

М. Г. Пикулин Ўзбекистонда шарқшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. У кўплаб маҳаллий шарқшунос олимлар етиштирди. Михаил Григорьевич бир неча йилдан бери Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисоди ва маданиятини ўрганиш бўлимининг мудири ҳамда институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

М. БАҲРИЕВ.

СПОРТ

«ПОЛИТОТДЕЛ» ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

«Политотдел» колхоз футболчилари сафарда навбатдаги матчларини Винница шаҳрида маҳаллий «Локомотив» командаси билан ўтказдилар. Бу учрашувда ҳар иккала команда дарвозабонлари ўз дарвозаларини дахлсиз қолдирдилар. Колхоз футболчилари бир очко қўлга киритиб 34 матчдан кейин ўз группаларида тўққизинчи ўринда боришяпти. Кейинги ўйинларда ишқибозларни хурсанд этаётган «Политотдел» футболчилари сафарда тўрт ўйинда 6 та очко олишга муваффақ бўлди. Шу группадаги бошқа ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: СКА (Новосибирск) — «Локомотив» (Тбилиси) — 1:0, «Динамо» (Таллин) — «Строитель» (Ашхобод) — 0:0, «Спартак» (Гомель) — «Кубань» (Краснодар) — 1:0, «Динамо» (Ленинград)— «Энергетик» (Душанба) — 1:0, «Труд» (Воронеж) — «Ростсельмаш» — 2:0, «Металлург» (Запорожье) — «Олга» — 0:0, «Волга» (Калинин) — «Трактор» (Волгоград) — 1:1.

ЁШ БОКСЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Эстониянинг Тарту шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда 9 та команда қатнашди. Республикамиз ёш спортчилари муваффақиятли қатнашдилар. Нажипов, Саркисов, Палачинлар ўз вазнларида фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Бир неча «чарм қўлқоп» спортчиларимиз иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙ ОЛИШМАДИ

Қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилиги учун «А» классида қатнашаётган командалар учрашувларни тугатдилар. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган Тошкентнинг «Буревестник» командаси 11-ўринда қолди ва Киевнинг «Буревестник» командаси билан бирга иккинчи группага тушди. Улар ўрнига Риганинг «Даугава» ва Киевнинг Армия спорт клуби командалари чиқди.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ. № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари —27914, 29323. Масъул секретарь —34455 Масъул секретарь ўринбосарлари— 27283. Партия турмуши — 33469. 27221. Пропаганда —31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347 Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка —27343. Эълонлар —28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 236. ИНДЕКС 64543. Р. 02409